O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛК ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 15 май, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 36(7439)

Da'vat

Jismonan tetik odam issiqqa ham, sovuqqa ham bardosh beradi. Xuddi shuningdek, ruhan tetik odam g'azabga ham, qayg'uga ham, shodlikka ham, boshqa kechinmalarga ham dosh berishga qodirdir.

ЕРІКТЕТ

Ibrat

Toshkent shahri Sirg'ali tumanidagi 284-litseymaktabini o'z homiyligiga olgan "Sovplastital" zavodi ta'lim muassasini ta'mirlash va kutubxonani boyitishda samarali yordam ko'rsatmoqda.

ХОТИРА ВА ҚАДР УЙҒУНЛИГИ

Қарияларни қадрлаш йилида 9-май Хотира ва Қадрлаш кунининг аҳамияти янада теранроқ намоён бўлди. Зеро, ўлмас туйғулардан бўлмиш Хотира ҳам, Қадр ҳам қарияларни қадрлаш, уларга нисбатан чуқур эҳтиром, авлодлараро маънавий муносабатлар масалаларига дахлдордир.

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар галгидан гавжумроқ бўлди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар эрта тонгданоқ ушбу майдонга йиғилдилар.

Майдонга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иккинчи жаҳон урушида, Ватан равнақи ва озодлиги йўлида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

— Хотира ва қадрлаш халқимизга хос, миллий ўзлигимиз, урф-одатларимиз билан чамбарчас боғлиқ муқаддас тушунчалардир. Шунинг учун бугун нишонлаётганимиз Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос ўринни топган халқона маросим бўлиб қолди, — деди Юртбошимиз журналистлар билан суҳбатда.

Давлатимиз раҳбари шу ерда бир гуруҳ зиёлилар билан ҳам суҳбатда бўлди.

— Неча йилдан бери бошимизда қора кўланка солиб турган кучларнинг пайи қирқилди, — деди Президентимиз. — Аммо, бир зум бўлсин, биз бепарво бўлмаслигимиз керак. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш биз учун доим долзарб масала бўлиб қолаверади. Бу йўлда биз доим миллий манфаатларимиз учун устувор бўлган сиёсатни юргизаверамиз.

9 май куни Хотира майдони кечгача одамлар билан гавжум бўлди. Ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром билдириш, Ватан равнақи ва юрт озодлиги йўлида жон фидо қилган ватандошларимизни хотирлаш учун келганлар Мотамсаро она ҳайкали пойини гулларга буркадилар.

Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш нафақат ўтганлар руҳини шод этиш, балки, кексаларимиз, қадрдонларимиз ҳурматини жойига қўйиш, ёш авлод қалбида аждодлари жасоратининг қадрига етиш, Ватанга, халққа муҳаббатли, истиқлол ғояларига садоқатли бўлиш туйғуларининг чуқур илдиз отишига ундаши билан ҳам аҳамиятлидир.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЮТУҒИ БИЗ УЧУН БАЙРАМ

Faxr

Юртимиз иқтидорли ўғил-қизларга бой. Уларнинг ютуқлари бизнинг ҳам муваффақиятимиз. Зеро, Ватан равнақи унинг эртанги келажаги ана шундай бугунги кунда камолот чўққисини забт этиш сари отланган фарзандларимиз истиқболида кўринади. Республикамизда олиб борилаётган таълим тизимидаги ислоҳотларнинг самараси ўлароқ ёш иқтидорли ўқувчиларга ўз салоҳиятларини кенгроқ намоён этиш имконияти яратилди. Уларнинг халқаро фан олимпиадаларидаги совринли ўринлари, турли фестиваллар, анжуманларда кўпчиликнинг олқишига, эътиборига сазовор бўлаётган изланишлари, дунё спорт майдонларида ўтказиб келинаётган нуфузли мусобақаларда шоҳсупанинг юксак ўринларидан жой олаётганликлари кишига ўзгача ғурур, ифтихор бағишлайди. Зотан, улар мана шу юрт, эл фарзандлари. Бу ютуқлар замирида шу халқнинг, шу заминнинг ҳиссаси беқиёс.

Ёдингизда бўлса, яқинда, умумтаълим фан олимпиадаларининг республика босқичига якун ясалиб, ғолибликни қўлга киритган бир неча ўқувчиларимиз республикамиз олий ўқув юрти талабалари бўлиш имтиёзига эга бўлган эдилар. Куни кеча эса, ушбу ютуқларнинг давоми сифатида яна бир гуруҳ ўқувчиларимизнинг Арманистоннинг Ереван шаҳрида ўтказилган "Россия ва рус тили менинг ҳаётимда" мавзусидаги халқаро кўрик-танловида ҳамда Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган кимё фани бўйича 36-халқаро Менделеев олимпиадасида муваффақиятли иштирок этганликлари, албатта, фарзандларимизнинг дунёни лол қолдирган боболари ал Хоразмий, ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Бобурларнинг муносиб ворислари бўлиб ўсаётганликларини яна бир бор исботлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, МДҲ ҳамда Болтиқбўйи давлатларидан 65 нафар ўқувчи иштирок этган рус тили фани бўйича Ереван шаҳрида ўтказилган халқаро кўрик-танловда ўқувчиларимиз мазкур фанни теран ўзлаштираётганликларини намойиш эта олишди. Эътиборлиси, ҳамюртимиз Наманган шаҳридаги 49-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ильвина Шайхутдинова юксак мукофотга лойиқ топилиб, Россия давлатининг олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилиниш ҳуқуқини берувчи диплом ва сертификатларга эга бўлиб юртига қайтди.

Шунингдек, Олмаота шаҳрида ўтказилган кимё фани бўйича 36-халқаро Менделеев олимпиадасида ҳам 4 нафар республикамиз ўқувчилари иштирок этишиб: уларнинг 2 нафари Наманган шаҳридаги аниқ ва ижтимоий фанларга иқтисослашган мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Раҳмон Эгамбердиев ҳамда Бухоро шаҳридаги Бухоро Давлат Университети қошидаги ихтисослашган лицей-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Анвар Ёрмуҳаммедовлар юқори натижа кўрсатиб, халқаро олимпиаданинг 3-даражали дипломи ва бронза медали билан тақдирландилар.

Ўқувчиларимизни мана шундай нуфузли халқаро фан олимпиадалари ва кўрик-танловларидаги эришган муваффақиятлари билан чин дилдан қутлаш мақсадида куни кеча Республика Халқ таълими вазирлигида қабул ўтказилди.

Дарҳақиқат, ўқувчиларимизнинг кўплаб халқаро фан олимпиадаларидан совринли ўринни эгаллаб қайтишгач, уларнинг Халқ таълими вазири томонидан қабул қилиниши ва ўзаро самимий суҳбат ўтказилиши анъанага айланиб улгурган маросим. Бу галги учрашув эса, Р.Жўраев таъкидлаганидек, олдингиларидан гавжум ўтганлиги билан ажралиб турди, десак янглишмаймиз.

— Сиз эришган бу ютуқлар аввало, ўзингизнинг, қоларверса, юртнинг ютуғи— дейди Р.Жўраев ўз нутқида. — Кўплаб спорт мусобақалари, фан олимпиадаларида ғолиблик шоҳсупасига чиққан ёшлар учун юртимиз байроғи юқори кўтарилади. У орқали мамлакатимиз дунёга юз тутади. Шу боис ҳам фарзандларимизнинг ҳар бир ютуғи биз учун катта байрам. Бугунги учрашувимиз сабаби ҳам сизни, сизнинг тимсолингизда республикамизнинг барча ёшларини эришган, эришаётган ютуқлари билан табриклаш, юртни дунёга танитиш йўлидаги илк қадамларингизни қутлашдир.

Ўтказилган самимий учрашувлар доирасида ўқувчиларимизнинг эришаётган муваффақиятлари билан бир қаторда тизимда йўл қўйилаётган баъзи камчилик ва муаммоларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Маълумки, кимё фани тажрибалар, тадқиқотлар илми, — деди сўзга чиқар экан Наманган шаҳридаги аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослашган мактаб-интернати ўқитувчиси К.Мадраҳимова. — Бу эса, ўз-ўзидан аёнки ўқувчининг фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам чуқур билимга эга бўлишини талаб қилади. Ваҳоланки, айрим мактабларимизда бундай шароитнинг йўқлиги боис, ўқувчиларимиз баъзан мағлубият аламини тортишга ҳам мажбур бўлиб қолмоқдалар. Бундан ташқари, бундай ҳолнинг юзага келишида ўқитувчиларнинг ҳам замон билан ҳамқадам, ҳамнафас эмасликлари сабаб бўлмоқда.

Ўқитувчининг фикрлари ўринли. Халқ таълими тизимидаги мазкур муаммога Р.Жўраев тўхталар экан, ўз ўрнида устознинг ижодкорлигига, унинг замон билан ҳамнафас қадам ташлаши давр талаби эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Учрашув сунггида халқаро олимпиадалар қатнашчилари ва ғолиб ўқувчиларимизга Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, ўқувчиларимизнинг мана шундай улкан ютуқларни қўлга киритишларида ўз билим ва кўп йиллик тажрибалари орқали кўмак берган фидойи ўқитувчиларга ҳам Р.Жўраев томонидан "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишонлари ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

Баҳодир ЖОБЛИЕВ
"Ma`rifat" мухбири
А.БЕЗРУЧКО олган суратлар.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

"Андижоннефть"акциядорлик жамияти тасарруфидаги "Нефтчи" оромгоҳи 80 ўринга мўлжалланган. Унда нафақат мазкур жамият, балки "Узбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг Андижон вилоятидаги 10 та меҳнат жамоаси ишчи-хизматчиларининг фарзандлари ҳам мириқиб дам олишади.

Оромгоҳни янги мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам талаб даражасида олиб борилаётир "Андижоннефть" акциядорлик жамияти асосий ҳомий ташкилот сифатида таъмирлаш ишларига 2 миллион 340 минг сўм маблағ сарфланишини режалаштирган. Шунинг учун ҳам оромгоҳда бугун кенг кўламда таъмирлаш ишлари амалга оширилянти.

Хўжаобод технологик транспорт, Асаканефть узатиш бошқармалари, нефть қудуқларини тўла таъмирлаш идораси, "Андижонтажрибасинов" заводи, Асака таъминот омбори ва "Таъминотчи" акциядорлик жамиятлари ҳам оромгоҳни таъмирлаш ишларига улуш қўшмоқдалар.

— Биринчи даврада дам олувчи 80 нафар болани тўлиқ бепул йўлланма билан таъминлаймиз, — дейди "Андижоннефть" акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси Турғунбой Туйчиев, — Натижада кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига муносиб туҳфа ҳозирлаймиз.

О.СИДДИҚОВ

ТАРБИЯЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Самарқанд шаҳридаги "Қўғирчоқ" театрида ўтказилган "Йил тарбиячиси—2002" кўрик танловининг вилоят босқичида 7та ҳудудий босқичларда ғолиб чиққан тарбиячилар иштирок этишди. Кўрик-танловининг "Темурийлар музейига саёҳат" деб номланган илк шартининг ижросидаёқ тарбиячиларнинг ижодий қобилияти юксаклиги маълум бўлди. Чунончи, Самарқанд шаҳридаги 107- мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Матлуба Ўринова танлов ғолиби деб топилди.

Танлов сўнгида ҳакамлар ҳайъати ғолиблар мундарижасини аниқлашда ҳар бир тарбиячининг маълум бир йўналишда иқтидорга эга эканлигини инобатга олди. Уларнинг муносиб ном бўйича ғолиблиги эълон қилинди. Жумладан, Пахтачи туманидаги 1-МТМ тарбиячиси Матлуба Ҳамроева "Ижодкор тарбиячи", Самарқанд туманидаги 2-МТМ тарбиячиси Майрам Хақбердиева "Зукко тарбиячи", Булунғур туманидаги 9-МТМ тарбиячиси Музаффара Ўролова "Маҳоратли тарбиячи", Каттақўрғон туманидаги 17- МТМ тарбиячиси Раъно Юсупова "Болажон тарбиячи", Тойлоқ тумани 2-МТМ тарбиячиси Дилфуза Баҳромова "Дидли тарбиячи", Иштиҳон туманидаги 15-МТМ тарбиячиси Севара Мардонова "Меҳрибон тарбиячи" номлари бўйича ғолиб деб топилишди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

ТАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

ЎҚИТУВЧИ БАХТИ — ЎҚУВЧИСИ ЮТУҒИДА 2-бет

ЎЙИНЧОҚЛАРИ КЎП БОҒЧА 2-бет

МАКТАБЛАР МОДДИЙ ТЕХНИКА БАЗАСИ МУСТАҲКАМЛАНАЯПТИ 4-бет

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЛЕКТРОН ДИСКЛАРДА 4-бет

ФАЙЛАСУФЛАРНИНГ СЎНМАС ЮЛДУЗИ 5-бет

БОЛА БОРИНИ АЙТАДИ 6-бет

АЖДОДЛАРИМИЗ ҚАҲРАМОНЛИКЛАРИ ЎҚУВЧИЛАР ҚАЛБИГА ЖО БЎЛСИН 6-бет

ҲАМ МЕЗБОН, ҲАМ ИШТИРОКЧИ 7-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

FOLKLOR FESTIVALI

26 iyun — 7 iyul kunlari AQSH poytaxti Vashingtonda Buyuk Ipak yo'liga bag'ishlangan folklor festivali bo'lib o'tadi. Unda ko'plab davlatlardan yig'ilgan uch yuzdan ziyod san'atkorlar, xalq amaliy san'ati namoyandalari, hunarmandlar ishtirok etishadi. Festivalga o'zbekistonlik san'atkorlar va hunarmandlar ham taklif etilgan.

YUBILEY KUZDA BO'LADI

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi "Nukus shahrining 70 yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish to'g'risida" qaror qabul qildi. Mazkur qarorga muvofiq shahar yubileyi shu yilning kuzida keng nishonlanadi.

YOSH RASSOMLAR TANLOVI

Poytaxtimizdagi zamonaviy san'at markazida "Sog'lom avlod uchun" xalqaro nodavlat xayriya jamg'armasi tomonidan tashkil etilgan respublikamizdagi Mehribonlik uylarida tarbiyalanuvchi iste'dodli yosh rassomlar o'rtasida "Kamalak jilosi" ko'rik-tanlovi bo'lib o'tdi.

ANJUMAN

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universitetida milliy o'zlikni anglash va davlatchilik masalalariga bag'ishlangan konferentsiya bo'lib o'tdi. O'zbekiston Ochiq jamiyat instituti va AQShning O'zbekistondagi elchixonasi tomonidan tashkil qilingan ushbu anjumanda chet ellik olimlar va toshkentdagi oliy o'quv yurtlari talabalari ishtirok etdi.

ЯККАБОҒДА ҲАМ "МАКТАБЛАР КУНИ"

Яккабоғ туманида 103 та умумий ўрта таълим мактаби бор. Туман Қашқадарё вилоятининг аҳолиси энг кўп ҳудудларидан бири.

Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда халқ таълими бўлими яна бир хайрли ишни бошлади. Мана, учинчи ойдирки бу ерда "Мактаблар куни" ўтказилмоқда.

Ҳар ойнинг биринчи шанбаси — "Мактаблар куни". Шу куни Яккабоғ туманидаги 103 та хўжалик, корхона, ташкилот ва муассаса вакиллари 103 та мактабга бориб 1 нафардан, кам таъминланган оила фарзандига тўлиқ дарсликлар мажмуини ҳадя қилмоқда. Ҳозиргача шу йўл билан 309 нафар ўқувчи тўлиқ дарсликлар билан таъминланди. Ҳомийлар, шунингдек, мактаб биноларини, жиҳозларини таъмирлаш, янгилаш ва бошқа масалаларда ҳам ёрдамларини аяшмаянти.

Туман ХТБ мудири Аҳмаджон Мироқовнинг айтишича, Яккабоғда бошланаётган ўзгаришлар бу билан чекланмайди. 2002 йил ХТБ томонидан туманда физика ҳамда она тили ва адабиётни ўрганиш йили деб эълон қилинган. "Энг яхши она тили ва адабиёт ўқитувчиси", "Энг яхши физика ўқитувчиси", "Ким кўп шеър билади?", "Кимнинг хати чиройли?" ва яна шунга ўхшаш 20 дан ошиқ танлов ва тадбирлар мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Бу эса таълим сифати ва самарадорлигини оширишда қўл келаётир.

Ҳусан НИШОНОВ

O'qituvchi yon daftariga

RANGIGA BOG'LIQ

Uy mushuklarining tabiati ularning rangiga ham bog'liq. Bu germaniyalik zoolog Xelmut Xomerning xulosasi. Olim o'z kuzatishlari asosida qora mushuklar asabiy, oq mushuklar injiq, ola-bula mushuklar esa muloyim va kelishuvchan bo'lishlarini aniqladi.

ILK BOR XITOYDA

Ma'lumotlarda futbol vatani sifatida Angliya qayd etiladi. Qadimshunoslarning ta'kidlashicha, aslida futbol o'yinining ilk alomatlari eramizning III-IV asrlarida Xitoyning Tsu-chu o'yinida kuzatilgan. Rasman eng birinchi futbol klubi esa 1857 yil 24 oktyabrida Angliyaning Shiffeld shahrida shu nomda tashkil etilgan.

BIR DONA APELSIN

Taraqqiyot tufayli endilikda mutaxassislar uchun jumladan, daraxtlar va mevalarning shaklu shamoyiliniyu rangini ham o'zgartirish cho't emas. Shunday bo'lsada 1977 yilda amerikalik fuqaro Bill Kalendin yetishtirishga muvaffaq bo'lgan apelsin o'z og'irligiga ko'ra hali-hanuz rekord ko'rsatgichni egallab turibdi. Kalendin yetishtirgan apelsinning bir donasi 1 kg. 673 gr. tosh bosgan edi.

QO'SHIMCHA DARS SOATI

Angliyadagi obro'li maktablarda fanlarga qo'shimcha ravishda yosh otalar darsi ham o'qitila boshlandi. O'quvchi bolalar bu darsda chaqaloqqa qarash, yupatish, ovqatlantirish, xullas, go'dak parvarishini o'rganishadi. Mashg'ulotlar elektron qo'g'irchoq-chaqaloqlar yordamida olib boriladi.

Хотира ва Қадрлаш куни Бахмал туманининг хушманзара гўшасида юртимизни террорчи гуруҳлардан асрашда ҳалок бўлган Ватан қаҳрамонларига бағишланган "Хотира хиёбони" очилди.

Уларнинг ҳам келажакда устозларидек ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб етишишлари учун эса илм даргоҳида "Ёш ўқитувчилар мактаби" ҳам ташкил этилган.

ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАЁТГАН "КИЧКИНТОЙ"

"Биласизларми, азиз болажонлар, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида жонажон Ўзбекистонимиздагидек қарияларни қадрлашмайди. Зеро, ўзидан катталарни иззат-ҳурмат қилиш биз ўзбекларнинг қадимий қадриятларимиздан бири ҳисобланади. Юртбошимизнинг таклифлари билан 2002 йил "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинган эди. Биласизларми, Президентимиз кичкинтойларни жуда яхши кўради ва сизларга жудаям ишонади. Шунинг учун ҳам сизлар Президентимизнинг кўтариб чиққан улуғ ташаббусига ўз ҳиссаларингизни қўшишларингиз ва бу борада қарияларни қадрлашларингиз керак.

Хўш бунинг учун биз кичкинтойлар нималарни ўрганиб олишимиз ва нималар қилишимиз лозим?...."

"Ўрта гуруҳ" тарбиячиси Гулсара опа Бобоеванинг қалдирғоч полапонларига ўхшаб халқа ясаганча тизилиб ўтирган болажонларга қарияларни қадрлаш бобида айтиб бераётган панд-насиҳатларини биз ҳам берилиб тингладик. Суҳбат сўнггида "Боғча опа"нинг "Қани, болажонлар, ким айтиб беради, биз кичкинтойлар қарияларни қандай қадрлашимиз керак экан?" деган сўровига улар баравариға жажжи қўлчаларини кўтаришди. Ҳатто, айрим шаддодлари "мен айтай", "мен айтай" дея ўринларидан туриб ҳам кетишди. Улар ҳозиргина "опа"ларидан уқиб олган одобларини ўз тилларида "Қарияларни кўрган ҳамона қўлларимизни кўксимизга қўйиб "Ассалому алайкум" дейишимиз керак", "Кўчада уларга йўл беришимиз керак" ва ҳоказолар дея бурро-бурро жавоблар қайтаришди.

Зеро, улар ўз фикрларини қандай ифодалаётганликларидан қатъий назар, шуниси қувончлики улар қарияларни қадрлаш, иззат-ҳурмат қилиш хусусида анча-мунча одоб олдилар.

— Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан боғчамизда мавжуд 5 та гуруҳнинг барчасида суҳбатлар, саҳна кўринишидаги томошалар ва қариялар билан учрашувлар уюштирамиз — дейди Муборак туманидаги "Кичкинтой" болалар боғчасининг мудираси Замирахон Шарипова, — Ушбу тадбирларда тарбияланаётган 127 нафар боланинг ҳеч бирини четда қолдирмасликка ҳаракат қиламиз. Барча гуруҳларимизда "Қарияларни қадрлаймиз" деб номланувчи бурчакларни баҳоли қудрат ташкил этдик.

Муборакнинг "Кичкинтой"ида яхши ишлар бир талай. Ишонаверинг, бу ердаги ҳамма боғча опалар ижодкор. Уларнинг барчабарчаси бекор турмайди, нимадир ясайди, нимадир ихтиро қилади. Ахир, бу ерда озмунча кўргазмаю ўйинчоқ борми? Уларнинг барчаси "боғча опа"ларнинг бунёдкор қўлларида ясалган.

"Кичкинтой"да миллий қадриятларимизни тиклаш бобида ҳам анча ишлар амалга оширилган. Барча гуруҳларда "миллий бурчак" деб номланувчи бурчаклар ташкил этилган.

— "Учинчи мингйиллик боласи" қандай бўлиши керак? Боғчамизда ана шундай дастур устида иш олиб бораяпмиз — дейди "Кичкинтой" болалар боғчаси услубият хонасининг мудираси Мария опа Муҳаммадиёрова мониторинг хонасида амалга оширилган ишларни бизга тушунтираркан. — Бу дастурда ҳам миллий қадриятларимизни улуғлаш, Ватанни севиш туйғуларини кичкинтойлар онгига илк ёшлариданоқ сингдириб бориш иши бош масалалардан бири сифатида қаралади. Яна компьютер илми, чет тилларини мукаммал ўрганиш, доимий тарзда соғломлаштириб бориш ишлари. Умуман, "Учинчи мингйиллик боласи" дастури кенг қамровли вазифаларни ўз ичига жамлаб олган...

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

ЎҚИТУВЧИ БАХТИ ЎҚУВЧИСИ ЮТУҒИДА

Maktablar hayotidan

Дарҳақиқат, таълим тизимида эришилган ютуқлар давлатнинг ривожланишидаги дастлабки қадамлар ҳисобланади. Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 30-мактаб ўқитувчилари ҳам мазкур ҳақиқатни теран ҳис қилишади. Бу таълим масканида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар замирида мужассам десак, хато қилмаган бўламиз.

Илм ўчоғи 1935 йилда қад ростлаган бўлиб, айни дамда 887 нафар 19 миллат вакилидан иборат ўқувчи-ёшлар замон талаблари даражасида таҳсил олмоқдалар.

— Мактабимизда математика, физика фанлари чуқурлаштириб ўргатилади, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Р.Абдураимов. — Бундан ташқари ўқувчиларимизнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ўстириш мақсадида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамда Тошкент алоқа институти билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Натижада ушбу олий ўқув юртининг ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган ҳар бир машғулотлар, айниқса, психология дарслари битирувчи синф ўқувчиларининг касб танлаш, ўз келажакларини белгилашда муҳим аҳамият касб этаётир. Алоқа институтининг зарур жиҳозларга эга лаборатория хоналарида физика, химия, математика фанларидан олиб борилаётган амалий машғулотлар ҳам ўқувчилар томонидан мазкур фанларнинг тез ўзлаштирилишига сабаб бўлаётир.

Шуниси эътиборлики, мактабда ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишга мактаб маъмурияти томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада даргоҳда турли фан тўгараклари қаторида ўқувчиларни ёшлигидан меҳнат қилишга, касб ўрганишига қизиқиш уйғотиш мақсадида ўғил болалар учун "Ўзинг, тайёрла", "Ёш конструктор", қиз болалар учун эса тикувчилик, тўқувчилик ҳамда пазандачилик тўгаракларининг фаолият юритаётганлиги диққатга сазовор. Шунингдек, ёшларнинг соғлом камол топишлари учун ташкил этилган Шарқ якка кураши, таэквандо, каратэ каби спорт тўгаракларида машғулотларда қатнашаётган ўқувчиларнинг турли спорт мусобақаларида юқори шоҳсупаларни эгаллаётганликлари ўқитувчиларга ҳам ғурур, ифтихор бағишламоқда. Жумладан, 2000 йили Тошкентда ўтказилган аёллар ўртасидаги халқаро OPEN турнирида 30-мактаб ўқувчиси А.Шупакнинг 5-ўринни эгаллаши ҳамда спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича А.Сметаненнинг спорт устаси номзоди бўлиши шараф. Зеро, ўқитувчининг бахти ҳам ўқувчисининг ютуқларини кўриш, унинг қувончига шерик бўлишдадир.

Таъкидлаш жоизки, таълим муассасасида кадрлар тайёрлашга муҳим аҳамият берилган. Ҳозирда ўқувчиларга 52 нафар фидойи ўқитувчилар сабоқ бераётган бўлса, шуларнинг 12 нафари мазкур мактабнинг собиқ ўқувчилари эканлиги эътиборга молик. Уларнинг ҳам келажакда устозларидек ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб етишишлари учун эса илм даргоҳида "Ёш ўқитувчилар мактаби" ҳам ташкил этилган. Унинг талабалари мазкур касбнинг нозик қирраларини тажрибали ва билимдон ўқитувчилардан ўрганишларига шароит яратилди. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, биргина 1999-2000 ўқув йилининг ўзидаёқ мазкур мактабнинг 6 нафар битирувчиси педагогика йўналишидаги олий ўқув юртларига қабул қилинганлиги, албатта, таълим ўчоғининг ҳам ютуғи. Чунки муносиб ворис тайёрламоқ — фарз. Бу эса, мактаб эртасини ривожлантиришга қодир ёшларнинг камол топаётганлигидан дарак ҳам беради.

Б.ЖОВЛИЕВ,
"Ma`rifat" мухбири

МУАЛЛИМ ИЖОДКОР БЎЛСА...

Жиззах вилоят педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг тил ва адабиёт таълими кафедраси Бахмал тумани халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда мазкур туманда "Тил ва адабиёт таълимида ДТСнинг жорий қилиниш муаммолари"га бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказди.

Конференцияни кириш сўзи билан институт ректори Ш.Мардонов очар экан, ДТС талабларни бажариш ҳар бир ўқитувчи учун зарурлигини таъкидлаб, бу борадаги муаммоларга алоҳида тухталди. "ДТС ва она тили таълими мазмуни" мавзусида эса Т.Алмаматов маъруза қилди. Нотиқ ўз нутқида таълим мазмуни тушунчаси, таълим мазмунини янгилаш зарурияти ва шу асосда ДТСнинг яратилганлиги юзасидан батафсил маълумот берди. 8-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси З.Мамадалиева "5-синф она тили дарсларига ДТСнинг қўйилиши" мавзусида, 3-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ш.Неъматуллаева эса "5-синф адабиёт дарсларига ДТС қўйилиши" мавзусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Нотиқлар маъруза сўнггида анжуман иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтаришди.

Анжуман сўнггида институт ректори сўзга чиқиб, ДТСнинг она тили ва адабиёт фанида қўлланилиши биринчи навбатда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини тўғри, равон ва аниқ ифодалаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга қаратилганлигини, бу эса ўқитувчининг ижодкорлигини талаб қилишини таъкидлади.

Анжуман қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Р.ҚОРАБОЕВА,
Жиззах ВПХҚТМОИ ходими

КИМЁГАР БАКАЛАВРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент кимё-технология институтида олий техника ўқув юртлари талабаларининг ҳар йилги анъанавий беллашувларига якун ясалди. "Умумий ва анорганик кимё, "Экология" фанлари бўйича ўтказилган бу беллашувда йигирмадан ортиқ олий ўқув юртларининг вакиллари қатнашиб, қийин ва мураккаб саволларга ёзма жавобларини тақдим этишди. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Фарғона водийси ва бошқа ҳудудлардан келган талабалар танловда фанларни пишиқ ва пухта ўрганаётганликларини кўрсатишди. XXI аср бўлажак бакалаврларининг мустақил равишда олиб борган кураш натижалари Олимпиада ҳайъат аъзолари томонидан бирма-бир кўриб ва текшириб чиқилди.

Натижалар ҳар хил. Ҳар бир жамоа аъзоларининг йиққан баллари асосида институтларга ўрин берилди. Кучли талабалар шахсий биринчиликда ҳам кўзга ташланди. Тошкент кимё-технология институти жамоа ҳисобида биринчи, Навоий кончилик институти иккинчи, Фарғона политехника ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтлари жамоаси учинчи ўринни эгаллашди. Голиблар 3 тадан 5 тагача стипендия миқдорида пул мукофоти, қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланишди.

МУХБИРИМИЗ

ЯНГИ АССОЦИАЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

Барчамизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий билим асослари, компьютер асослари, физика, кимё каби фанлар билан бир қаторда чет тилларни ҳам ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Боиси, тил азал-азалдан халқлар ўртасидаги алоқаларда ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Ва бугун ҳам чет тиллари ана шу муҳим вазифани бажариб келмоқда. Шу муносабат билан ЎзДЖТУ қошидаги Тил Марказида мамлакатимиздаги инглиз тили ўқитувчиларини ўз соҳалари бўйича қайта тайёрлаш, тажрибаларини бойитиш, малакаларини ошириш мақсадида Инглиз тили ўқитувчилари ассоциациясининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Хёрбст, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов ва бошқа бир қанча ташкилотлар, хусусан, АКСЕЛС, АЙРЕКС, Британия Кенгаши вакиллари ҳамда мактаб, турли олий ўқув юртлари ўқитувчилари иштирок этдилар. АҚШ Тинчлик Корпусининг собиқ вакили, доктор Майкл Бенсон мазкур ассоциациянинг администратори этиб тайинланди. Маросим чоғида ўқитувчиларнинг фикри билан қизиққанимизда Тошкент Давлат техника университети қошидаги лицей-интернатнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Қутби Ҳикматова шундай деди:

— Мазкур Ассоциациянинг очилиши биз ўқитувчилар учун жуда кенг имкониятларни яратади. Илгариги дастур бўйича оддий, бир хил йўналишда ўқувчиларга дарс берар эдик. Энди мазкур ташкил этилган Ассоциацияда ўз малакамизни оширганимиздан сўнг, умуман, янгича, замонавий янгиликлардан ўқувчиларни бохабар этган ҳолда дарс ўтамиз.

Ассоциациянинг энг муҳим жиҳати унда нафақат олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, шунингдек, мактаб ўқитувчилари ҳам ўз малака ва тажрибаларини бойитадилар.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Маърифат" мухбири

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

9 май —Хотира ва Қадрлаш кунини жойлардаги халқ таълими тизими ходимлари ҳам муносиб нишонладилар. Хусусан, "Маърифат" газетаси муҳарририяти ва касаба уюшмаси ҳам шу таҳририятда узоқ йиллар фаолият кўрсатган бир гуруҳ фахрийлар — Ғафур Маннопов, Маҳкам Раҳмонов, Мукаррам Мавлонова, Турсуной Аъзамова, Маҳкам Қўчқоров, Назира Аҳмедова, Дилбар Хўжаеваларни давра суҳбатига таклиф этишди. Бир пиёла чой устидаги суҳбат ўз-ўзидан давлатимиз томонидан кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган ғамхўрликларга, бу меҳрибончиликлар жойларда ўз аксини топаётганлигига бориб тақалди. Ўтганлар ёди, инсон, қадр-қиммат, ҳурмат, эҳтиром, устоз ва шогирд тушунчалари суҳбатнинг асосий мавзуи бўлди. Учрашувда газетанинг бугуни ва келажаги ҳақида ҳам фикрлашилди.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

ЎЗИГА ХОС АНЖУМАН

Яқинда Ўзбекистон Республикаси География жамияти ва Самарқанд Давлат университети ҳамкорликда ўтказган илмий-амалий анжуман СамДУ география факультети асосчиларидан бири марҳум устоз Мардон Умаров таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан "Географиянинг регионал муаммолари"га бағишлаб ўтказилди. Анжуманда Республикамиздаги турли олийгоҳларда дарс бераётган профессорлар, илмий ходимлар, ўқитувчи ва талабалар иштирок этдилар. Университетнинг меҳмонлар ва талабалар билан гавжум бўлган мажлислар залида устоз хотираси ёд этилди. Домланинг география фани учун хизматлари дўстлари ва кўплаб шогирдлари томонидан хотирланди.

М.Умаровни барча талабалар, ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам яхши биладилар. У киши 250 дан ортиқ илмий мақолалар, "Ўзбекистон табиий географияси" фани учун илмий-оммабоп фильм, монография ва ўқув қўлланмалари, дарслик китоблар нашр этган. М.Умаровнинг 1980 йилда чоп этилган "Самарқанд области географияси" китоби вилоятимиз географияси ҳақидаги биринчи зарурий қўлланмадир.

Домла геграфия факультетида ишлаган ва жамоага раҳбарлик қилган йилларида амалга оширилган ишлари факультетнинг бугуни учун катта маънавий ва амалий меросдир.

Ҳозирги пайтда бу факультетда домланинг кўплаб шогирдлари устоз ишининг давомчилари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Анжуман қатнашчилари устоз хотирасини ёд этиш билан бирга XXI аср географияси муаммолари ва уларни бартараф этишга қаратилган мавзулардаги илмий маърузаларни ҳам тингладилар.

Бу анжуман факультетнинг ёш талабалари учун катта тарбиявий мактаб бўлди.

Дилноза БОЛИБЕКОВА,
СамДУ талабаси

ФАХРИЙ ЗИЁЛИЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Боғи Эрам" боғида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб, олий ўқув юртларида кўп йиллар таълим берган фахрийлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган ўқитувчиларни бир пиёла чой устидаги суҳбатга таклиф қилинди. Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов йиғилганларни табриклар экан, нафақадаги ўқитувчилар учун ҳар бир олий ўқув юртларида махсус иш жойи ташкил қилинишини, барча қилинадиган илмий-тарбиявий, маънавий-маърифий ишларда уларнинг маслаҳатлари жуда муҳимлигини таъкидлади. Шунингдек, тўпланган барча нафақадаги ўқитувчиларга совғалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Тадбир сўнгида Шарқшунослик институтида кафедра мудири, декан лавозимларида ишлаган фахрий ўқитувчилардан Шоислом Шомуҳамедов ҳамда ЎзМУда бир неча йиллар давомида кафедра мудири лавозимида фаолият кўрсатган Раҳимжон Содиқов ва бошқалар сўзга чиқишиб, ўзларига кўрсатилган бундай ҳурмат ва эҳтиром учун давлатимиз раҳбарияти ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ўз миннатдорчилигини билдиришди.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ

Хотира ва Қадрлаш куни Бахмал туманининг хушманзара гўшасида юртимизни террорчи гуруҳлардан асрашда ҳалок бўлган Ватан қаҳрамонларига бағишланган "Хотира хиёбони" очилди. Бу воқеа тадбирга таклиф қилинган қаҳрамонларнинг ота-оналари ёдида бир умр қоладиган бўлди.

Гап шундаки, у ерга туман ҳокимияти ва бошқа ташаббускор ташкилотлар саъй-ҳаракати билан 2000 йилнинг августида Сариосиё туманида террорчиларга қарши курашда ҳалок бўлган 17 нафар аскарлар хотирасига ёдгорлик ҳам ўрнатилди.

Сўзга чиққан ота-оналар, ҳалок бўлганларнинг қуролдош дўстлари юрт қаҳрамонларининг яхши фазилатлари, жасоратлари ҳақида сўзлашди ва улар хотираси қалбларда мангу яшаяжагини айтдилар.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Абдуғани ЖУМАЕВ олган суратлар

ЎЙИНЧОҚЛАРИ КЎП БОҒЧА

Maktabgacha ta'lim

Шайхонтоҳур туманининг Гулобод даҳасида жойлашган 343-мактабгача таълим муассасаси атрофидаги маҳаллаларда яшовчи ота-оналар борки, барчаси фарзандини шу боғчага берсам, дейди. Бунинг сабаби нима, деяётган бўлсангиз керак. Сабаби битта, тинимсиз меҳнат ва ижодкорлик. Шундай самарали меҳнатлар натижаси ўлароқ, ушбу боғча сўнгги йиллар давомида қатор ютуқларга эришиб келаяпти. Хусусан, "Учинчи минг йилликнинг боласи" давлат дастури амалиёти бўйича синов майдончаси сифатида танланган ушбу боғчанинг қатор байрамларни ўтказиш бўйича намойиш этган дастурлари ва ноанъанавий машғулотлари оммалаштирилган. Яқиндагина бўлиб ўтган 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан туман бўйича МТМ услубчилари ва мусиқа раҳбарларига намуна қилиб кўрсатилган "Марҳумларни ёд этиб, қарияларни қадрлаймиз" байрам дастури ҳам такрорланмас саҳна кўринишларию, янги мусиқий дастурларга бой бўлди. Ҳатто бугунги кундаги турли хил диний ниқобдаги ёвуз кучларга бўлган нафратни ҳам болажонлар тарбиячи Юлдуз Ортиқова билан биргаликда саҳна кўриниши тарзида кўрсатиб беришди. Икки оғиз айнан шу тарбиячи хусусида.

Республикамиз бўйлаб "Йил тарбиячиси—2002" кўрик-танловларининг қатор босқичлари якунланганидан ҳаммамиз хабардормиз. Эндиги навбат республика босқичига. Ушбу бўлиб ўтадиган кўрик-танловнинг республика босқичида Юлдуз Ортиқова Тошкент шаҳри шаънини ҳимоя қиладиган бўлди. Бундай шарафга муносиб бўлиш учун кам бўлмаган ҳаракат сарфланди. Шу баҳона бўлдию, боғча довруғи яна ҳамманинг назарига тушди. Биз билан суҳбатда голиба тарбиячи шундай дейди:

— Маънавият ва маърифат йўналиши бўйича кўрсатиб берган ижодимиз маҳсули барчага бирдек маъқул бўлди. Бунда тарбияланувчиларимизнинг тетиклиги, чақнаб турган ҳолда ўз вазифаларини жонли адо этишлари катта ёрдам берди. Айниқса услубчи Машкура Усмонова ва мусиқа раҳбари Дилором Муҳиддинованинг хизматлари беқиёс бўлди. Услубчи маслаҳат ва кўрсатмаларига таянганим ҳолда саҳнада ясаб берган ўйинчоғим энг юқори баллни олди. Ҳозирда эса якуний босқич учун тайёргарлик кўряпмиз. Биз яна "теша тегмаган" жиҳатларни кўтариб чиқишга, миллий мусиқамизнинг очилмаган томонларини болажонлар иштирокида кўрсатиб бериш учун интиляпмиз.

Қизғин иш жараёнида шундай гапларни айтган ушбу ёш ва билимдон боғча опадан барча тарбиячилар маслаҳату кўмакларини аяшмаётган экан.

Болаларнинг табиат қўйнида яйрашлари учун яратиб қўйилган боғча боғи эндигина атроф-муҳит билан муносабатга киришаётган кичкинтойларда табиатга муҳаббат ҳиссини уйғотиши тайин. Дарвозадан кираверишданоқ саранжом-сариштaлигу файзни пайқаса бўладиган бу масканнинг ҳар қадамида қўл меҳнатидан бунёд бўлган ижодкорлик намойишини кўрасиз.

— Булар боғчамизнинг турли-туман ўйинчоқлар кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб келаётганлигининг маҳсули, — дейди боғча мудираси.

Умуман, ҳамжиҳатлик, изланувчанлик, аҳиллик билан келажагимизни тарбиялаётган ушбу мактабгача таълим муассасасини намуна қилиб кўрсатса арзийди.

Н.ЭРҲОНОВА

Зотан, илмли, дунёқараши кенг, тафаккури ўткир ёшларига эга давлатгина қудратли ва буюк бўлишга қодирлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ишлаб чиқилган маҳсулотлардан олинган даромад ҳисобидан тикув цехининг иш фаолиятини янада ривожлантириш ва уни кенгайтириш мақсадида яна 4 та тикув машинаси ва дастгоҳлар ўрнатилди.

Direktor minbari

МАКТАБ ИҚТИСОДИ ВА ИМКОНИЯТ ЭШИКЛАРИ

Бугунги униб-ўсаётган фарзандларимиз камоли, том маънода оладиган бўлсак, мактабларда олиб борилаётган фидойи ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Зеро, болага ёшлигидан берилган таълим-тарбия унинг келажаги, кейинги ҳаёт йўлини белгилашда муҳим ўрин тутади. Демак, юрт келажагини Ватан тақдирини мактабда олиб борилаётган таълим-тарбия, ҳамда ўқувчининг фидоийлигига бевосита боғлиқ, десак ҳато қилмаган бўламиз. Республикамизда таълим тизими ислоҳотига бугун биринчи даражали масала сифатида эътибор қаратилаётганлиги замирида ҳам ушбу мақсад ётган бўлса, ажабмас. Зотан, илмли, дунёқараши кенг, тафаккури ўткир ёшларига эга давлатгина қудратли ва буюк бўлишга қодирлиги ҳеч кимга сир эмас. Айни шу боис ҳам мамлакатимизнинг барча мактаблари қаторида Бахмал туманидаги Ш.Рашидов номидаги бизнинг 1-ўрта мактабимизда ҳам ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Мактабимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у дастлаб 1924 йилда 7 йиллик мактаб сифатида фаолиятини бошлаган бўлиб, 1947 йилда ўрта мактаб мақомини олган. 1977 йилда эса мактаб замонавий қилиб қурилган 1140 ўқувчи ўрнига эга бўлган бинога кўчирилган. Айни дамда ўқув даргоҳида ўқувчиларнинг талаб даражасида билим олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Барча зарур жиҳозларга эга спортзали, 720 кв.м ҳудуддаги спорт майдони, 100 ўринли ошхона, 1614 та бадиий китоб ҳамда 898 та ўқув дарсликлари заҳирасига эга кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Мактабда таҳсил олаётган толиби илмларимизнинг бекаму кўст, замон талаблари даражасида сабоқ олишлари учун эса юқори илмий салоҳиятга эга 80 нафар фидойи ўқитувчиларимиз доимо изланишдалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, мактаб жамоаси ўқувчиларнинг ҳар томонлама етук камол топишлари учун ўз олдига қўйидаги 3 муҳим масалани ҳал этишни биринчи галдаги вазифа деб билади. Бу, аввало, ўқувчилар таълим-тарбиясининг самарадорлигини янада ошириш учун мактаб, маҳалла ҳамда ота-оналарнинг узвий алоқасини мустаҳкамлашга эришиш бўлса, иккинчидан, махсус фанларга чуқурлаштирилган синфлар ташкил этган ҳолда ўқувчининг ёшлигидан ўз қобилиятига қараб теранроқ билим бериш ҳамда уларнинг қизиқишига кўра касб-ҳунар ўргатишга йўналтиришдан иборат. Мазкур мақсадга эришиш йўлида эса илм даргоҳи ютуқларни ҳам қўлга киритиб улгурганлиги эътиборга лойиқ.

Мактабнинг юқори V-IX синф ўқувчи қизларини касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда миллий ҳунармандчиликни ўргатиш мақсадида 1996 йилнинг сентябрь ойида "бичиш—тикиш" ва "зардўзлик" тўгараги ташкил этилди. Ўқувчиларга тажрибали тадбиркор ўқитувчи Ортиқой Назарова томонидан бичиш-тикиш, қуроқ- каштачилик ва зардўзлик каби касб сирлари ўргатила бошланди. Тадбиркор ўқитувчи ўз хонасини замон талаби даражасида жиҳозлаш, ўқув дастгоҳлари билан таъминлаш, иқтисодий томондан ҳимоя қилиш мақсадида ўқувчилар либосини яратди. Натижада, у яратган ўқувчилар либослари туман ва вилоят кўрик-танловларида совринли ўринни қўлга киритиши билан бир қаторда чиройли, арзон ва мустаҳкам матодан тайёрланганлиги сабабли ўқувчиларнинг ота-онасига ҳам маъқул тушди. 1996-97 ўқув йилнинг ўзидаёқ ўқитувчи ўзининг шогирдлари билан 3 мингдан зиёд мазкур турдаги ўқувчилар либосини тайёрлаб ташкил этилган мактаб бозорига сотувга чиқарди.

1998 йилдан эса тикув цехида қўшимча тарзда мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи стандарт талаблар даражасида ишлаб чиқилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, тўгарак тикувчи қизлари томонидан ёш келинлар учун зардўзлик буюмлари, кийим-кечаклар ҳам ишлаб чиқарилиб харидорларга етказилмоқда. Ишлаб чиқилган маҳсулотлардан олинган даромад ҳисобидан тикув цехининг иш фаолиятини янада ривожлантириш ва уни кенгайтириш мақсадида яна 4 та тикув машинаси ва дастгоҳлар ўрнатилди.

Тадбиркор ўқитувчи О.Назарова шогирдлари билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ҳисобидан 1998-1999 ўқув йилида 25 минг сўм мактабга даромад келтирди. Ҳозирги кунда 100 нафардан зиёд ўқувчи шогирд қизлари билан фаолият кўрсатиб келаётган мазкур тўгарак навбатдаги ўқув йилида мактабда тикиш-бичиш цехини очишни режалаштирган.

Шунингдек, мактабда 5-9-синф ўғил болаларини касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида тўлиқ жиҳозланган чилангарлик ва дурадгорлик устахоналари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу устахоналарда ўқувчиларга миллий ҳунармандчилик турларидан нақкошлик, ўймакорлик, чилангарлик сирлари ўргатилаётганлиги яхши самара бермоқда. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда ўқитувчилардан А.Ғойибназаров ҳамда Э.Усмоновлар устозлик қилиб келмоқдалар. Ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан мазкур устахонада халқ эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш натижасида ўқув йили давомида 20-25 минг сўм даромад келтирилди. Бу даромадлар устахоналарни жиҳозлашга ҳамда мактабни жорий таъмирлаш ишларига ишлатилиб келинмоқда. Булардан ташқари мактабнинг биологик тажриба майдонида 52 туп мевали дарахт бўлиб, у ерда етиштирилган меваларни сотиш ҳисобидан ҳам мактаб бир йилда 30-35 минг сўм даромад олмоқда. Бу даромад касаба уюшмаси қарорига асосан аълочи ва изланувчан ўқувчиларни ҳамда фаол ижодкор ўқитувчиларни тақдирлашга ва мактаб моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун ўқув жиҳозлари билан таъминлашга сарфланмоқда.

Мактаб иқтисодий жиҳатдан кучли бўлса, албатта, у ердаги таълим тизимини ривожлантиришга, ўқувчиларнинг чуқурроқ билим эгаллашлари учун шароит яратилишига имконият эшиклари очилади. Шу боис ҳам, таълим даргоҳимизда ТХТБ томонидан ажратилган бюджет маблағларидан ташқари ўз ички имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда маблағ топишга алоҳида эътибор қаратилган.

Дониёр ХАЙДАРОВ,
Бахмал туманидаги 1-ўрта мактаб директори

Bir soatlik dars

"УЧАР ЛИКОПЧАДА САЁҲАТ"

Маълумки, жорий ўқув йилининг аввалида, аниқроғи, сентябрь ойи охирларида Тошкентда "Йил ўқитувчиси—2001" кўрик-танлови бўлиб ўтган эди. Танлов кунлари беллашув иштирокчиси, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 69-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Ирода Саибованинг Миробод туманидаги 110-мактаб 6-синф ўқувчилари ҳузурида ўтган "Ўнли касрларни айириш" мавзусидаги дарсини мутахассислар муносиб баҳолашганди. Ижодкор ўқитувчи ўшанда мавзуга ноанъанавий ёндашиб, уни "Учар ликопчада саёҳат", деб номлади ва қизиқарли дарс ўтди.

Қуйида баҳс-мунозара усулида ўтилган намунавий очиқ дарс тафсилотларини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз. Бу усул сиз — азиз муштарийларни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ижодкор ўқитувчи Ирода Саибова нотаниш синфдаги очиқ дарсини шундай бошлади:

— Ассалому алайкум, азиз ўқувчилар! Мен Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 69-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Ирода Саибова бўламан. Ўйлайманки, бугунги дарсимиз сиз учун ҳам, мен учун ҳам мароқли ва мазмунли ўтади.

Амалдаги дастурга кўра бугунги мавзуимиз "Ўнли касрларни айириш амалини мустаҳкамлаш". Дарсимиздан кўзланган мақсад ўнли касрларни айириш ва қўшишни мукаммалроқ ўрганиш, сизнинг ижодий қирраларингизни очиш ва математика дарсида бошқа фанлардаги билимларингизни синаб кўриш. Дарсимиз 5 балли тизимда баҳоланади.

— Болажонларим, "ўнли каср" жумласига эътибор беринг. У сизга нимани эслатяпти?

— Ўн сўзини.

— Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини.

— Баракалла! Айтингчи, мустақиллигимиз бизга нима берди?

— Она тилимизни берди - 1,0.

— Динимиз, имонимизни қайтарди - 1,1.

— Қадриятларимизни қайтарди - 1,2.

— Анъаналаримизни қайтарди - 1,3.

— Давлат рамзларимизни берди - 1,4.

— Тарихий меросимизни қайтарди - 1,5.

— Миллий ғояни берди - 1,6.

— Миллий мафкурани берди - 1,7.

— Қомусимизни берди - 1,8.

— Дунё эшикларини очди - 1,9.

Мана энди, биз сиз билан мустақиллигимиз берган неъматлар билан қуролланиб оламиз. 1,0 + 1,1 + 1,2 + 1,3 + 1,4 + 1,5 + 1,6 + 1,7 + 1,8 + 1,9 = неча ҳосил бўлади?

— 14,5 ҳосил бўлади.

— Баракалла! Президентимиз Ислом Каримовнинг шундай бир доно гаплари бор: "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак". Доно сўзига урғу бераман. Сиз мендан кўра донороқ бўлишингиз керак. Демак, бугун дарсда сиз кўпроқ гапирасиз, сиз кўпроқ ишлайсиз. Мен эса дирижёрлик қилиб тураман.

— И-е, кимдир дарсимизга меҳмон бўлиб келибди. Ахир, бу "L-9" роботи-ку. Уни 69-мактабнинг 9-"А" синф ўқувчилари мустақиллигимизнинг 10 йиллик шодиёнасига атаб ясашган. У сизларнинг ўнли касрларни қўшиш ва айириш бўйича билимларингизни синаб кўрмоқчи экан. Қани, унинг саволларини ўқийлик-чи. Агар сиз тўғри жавоб берсангиз унинг кўзлари ёниб, мусиқа янграйди. Нотўғри жавоб берсангиз, бошидаги варракчаси айланади.

1. Ўнли каср деб қандай касрга айтилади?

— Ўнли каср, деб махражи 10 нинг даражасидан иборат бўлган касрга айтилади.

2. Ўнли касрларни қўшиш ва айириш қоидасини айтинг.

— Ўнли касрларни тагма-таг шундай ёзиш керакки, вергуллар бир-бирининг остига тўғри келиши керак. Сўнгра оддий натурал сонлардек хона бирликлари бўйича қўшиш ва айириш керак. Ҳосил бўлган натижада вергуллар қўшилувчи ёки айирувчи вергулларнинг тагига қўйилади.

3. Қўшишнинг қандай қонунларини биласиз?

— Қўшишнинг ўрин алмаштириш ва гуруҳлаш қонунлари мавжуд.

— Формуласини ёзиб бера оласизми?

— Ҳа, a ва b сони учун қўшишнинг ўрин алмаштириш қонуни қуйидагича ёзилади: a+b = b+a. Ихтиёрий a, b ва c ўнли касрлар учун қўшишнинг гуруҳлаш қонуни шундай: (a+b) + c = a + (b+c)

4. Натурал сондан ундан кичик ўнли касрни айириш учун нима қилиш керак?

— Натурал сондан ундан кичик ўнли касрни айириш учун бутун сондан сўнг вергул қўйиб, каср қисмининг хона бирликларини 0 билан тўлдириб, айирамиз. Аввал учиш аппаратининг қандай эканлигини билиш учун оғзаки мисоллар ечиб олишимиз даркор. Ундан олдин эса биз гуруҳларга бўлиниб оламиз. Бўлинган тўрт гуруҳларимиздан иккитадан аъзолар чиқиб, карточкалардаги мисолларни ечиб, кўргазмадан жавобини топиб жойлаштиришлари керак. Биринчи гуруҳ аъзолари топшириқни аввалроқ бажарди. Унда учар ликопча пайдо бўлди.

— Баракалла, энди учар ликопчада тарихга саёҳат қиламиз. Тасаввур қилинг, сиз ўтмишга тушиб қолдингиз. XV аср. Буюк Амир Темурнинг набираси бўлмиш Муҳаммад Тарағай Улуғбек ўнли касрларни кашф қилди. Мирзо Улуғбекнинг шогирди Жамшид Ғиёсиддин ал-Коший эса 1427 йилда "Муфтон ал-ҳисоб" (Ҳисоб илм калити) деб аталган машҳур асарини ёзди. Бу асар ўрта аср математикасининг қомусидир. Келинг, улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этиб, биз ҳам ўнли касрлар устида айириш ва қўшиш амалини билиб олганимизни дарсликдаги 155-мисолни ечиб тасдиқлайлик. Айтингчи, айириш амалининг натижасини қандай текшириш мумкин?

— Айириш амалининг натижасини қўшиш билан текшириш мумкин.

— Натижани айирувчидан айириб текшириш мумкин. Марҳамат, гуруҳлардан биттадан аъзолар чиқиб, мисолларни ечиб, қўшиш билан текширишингиз даркор.

155-Мисол

1) 86,3 - 48,2 = 38,1
38,1 + 48,2 = 86,3
2) 31,53 - 2,26 = 29,27
29,27 + 2,26 = 31,53
3) 1-0,874 = 0,126
0,126 + 0,874 = 1
4) 6-2,374 = 3,626
3,626 + 2,374 = 6
5) 3,2-1,0299 = 2,1701
2,1701 + 1,0299 = 3,2
6) 6,04-1,942 = 4,098
4,098 + 1,942 = 6,04
7) 38,12-24,43 = 13,69
13,69 + 24,43 = 38,12
8) 7,091-5,918 = 1,173
1,173 + 5,918 = 7,091

— Баракалла! болажонларим, қайси гуруҳ биринчи бўлиб иккита мисолни ҳам ишлаб, ҳам текширган бўлса, демак, шу гуруҳ Мирзо Улуғбек ва унинг шогирди ал-Кошийнинг ўгитларини аъло тарзда ўзлаштириб олибдилар. Яна учар ликопчада учишни давом эттирамиз. Энди эса тест синовини ўтказамиз. Қани, унинг натижаси қандай бўлар экан?

Тугатган бўлсангиз тест калитини бераман.

1.T
2.M
3.T
4.S

Бу нимани англатади? Бу "Табиат математика тилида сўйлайди" жумласини англатади. И-е, ликопчамиз қаерга қўнди? Атрофимиздаги ўсимликларга қараганда Ўзбекистонга ўхшамаяпти. Биз чет элга тушиб қолибмиз. Атрофимиз денгиз. Барибир, саёҳатимизни давом эттирамиз. Жойни яхши ўрганиш учун атрофни айланиб ўрганамиз ва қарангки, ботқоққа тушиб қолдик. Бу ботқоқдан чиқиб кетишингиз учун 7 та ўқувчини таклиф қиламан. Сиз рақамларни танлаб, 429,763 сонини ҳосил қилишингиз даркор. Гуруҳларимиз аъзолари эса вергул вазифасини бажарадилар ва мен айтган топшириқни бажаришлари керак.

— 1-гуруҳ аъзоси ўнгга икки хона бирлигига сурилинг, сонимиз қандай ўзгарди?

— Юз марта ошди.

— 1 хона бирлигига чапга сурилинг. Сонимиз қандай ўзгарди?

— Ўн марта камайди.

— Жуда яхши.

— 2-гуруҳ аъзоси чапга бир хона бирлигига сурилинг. Нима бўлди?

— Сонимиз 10 марта камайди.

— Баракалла.

— 3-гуруҳ аъзоси ўнгга 3 хона бирлигига сурилинг. Сонимиз қандай ўзгарди?

— 1000 марта ошди.

— 2 хона бирлигига чапга сурилинг. Қандай ўзгариш бўлди?

— Сонимиз 100 марта камайди.

— 4-гуруҳ аъзоси жойингиздан жилмасангиз қандай ўзгариш бўлади?

— Сонда ўзгариш бўлмайди.

— 1 бирлик ўнгга сурилсак-чи?

— 10 марта ошади.

— Баракалла! Мана, билимли бўлганлигингиз учун бот-қоқдан чиқиб кетдингиз.

— Яна саёҳатимизни давом эттирамиз. Юриб-юриб бир ҳайвонга дуч келиб қолдик. У қандай ҳайвон экан? Буни билишимиз учун тенгламаларни ечиб бўғинларни топишимиз керак. Гуруҳларимиздан аъзолар чиқиб, берилган тенгламаларни ечишингиз даркор.

(x+4,26)-2=3,88
x+4,26=3,88+2
x+4,26=5,88
x=5,88-4,26
x=1,62

Демак, бу ҳайвоннинг оғирлиги 1,62 тонна экан.

(y-1,36)-2,64=2
y-1,36=2+2,64
y-1,36=4,64
y=4,64+1,36
y=6

Демак, бу ҳайвоннинг 6 та тиши бор.

(x-25,25)+2,5=8,1
x-25,25=8,1-2,5
x-25,25=5,6
x=5,6+25,25
x=30,85

Демак, бу ҳайвон бир кунда 30,85 кг ем ер экан.

(x+1,15)-2,5=4
x+1,5=4+2,5
x+1,5=6,5
x=6,5-1,5
x=5

Демак, у 5 дақиқа сув остида тура олар экан.

Бу қандай ҳайвон экан? Бўғинларни бирма-бир очсак, "GIPPOPOTAM" сўзи келиб чиқди. Неча бўғинли сўз экан?

— Бу 4 бўғинли сўз экан.

Баракалла! Она тилини ҳам яхши билар экансиз. Энди қорнимиз очиб қолдими?

— Ҳа, қорнимиз очиб қолди.

— Атрофимиз денгиз. Қорнимизни қандай тўйдирамиз?

— Балиқ тутамиз.

— Баракалла, гуруҳларимиздан биттадан аъзо чиқиб, балиқ тутадилар ва шу рангдаги карточкаларни олиб масалаларни ечадилар. Айтинг-чи, Ўзбекистон Республикасининг пойтахти қаер?

— Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри.

— Ҳа, жуда тўғри. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри, деб таъкидланган.

— Энди 159-масалани ўқинг.

Фарғона вилоятининг ҳудуди 7,1 минг кв.км.ни ташкил қилади. Наманган вилоятининг ҳудуди Фарғона вилоятига қараганда 0,8 минг кв.км.дан ортиқ. Иккала вилоятнинг ҳудуди неча кв.км?

Шарти: 7,1+0,8=8,8 минг кв.км.

7,1+8,8=15,9 минг кв.км.

— Баракалла! Демак, миямизда бўшлиқ йўқ. Ғиж-ғиж ақл бор. Шунинг учун ақлимиз билан балиқ тутиб, қорнимизни тўйғазиб олдик. Энди эса дам олишимиз мумкин. Фараз қилинг, сиз гулхан атрофида ўтирибсиз. Мана бу мусиқий ребусларни ечиб кўрингчи, қандай сўзлар чиқар экан?

Доира.
Метр квадрат.
Она.
Ватан

— Баракалла! Кўрдингизми? Мадҳиямиз интервалида Она, Ватан сўзлари пайдо бўлди. Бундай муқаддас сўзлардан сўнг Ватанимизга нисбатан соғинч ҳисси уйғонди. Ўзбекистонни соғиндик. Навоий бобомизнинг бир чиройли рубоийлари бизда туғилган бу ҳиссиётларни тўла акс эттиради. Ким ушбу мисолларни айтиб бера олади?

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Келинг, Ўзбекистон ҳақида бир қўшиқ айтамиз. Қани, қандай қўшиқни биласиз? Марҳамат, қуйлаб беришингиз мумкин. Қаранг, бизнинг қўшиғимизни эшитиб ҳаво шарларида Жозеф ва Этен Монголфер учиб келишибди. Улар бизни ўз Ватанимизга ҳозирги замонда келтиришга рози бўлдилар. Лекин ҳаво шари фақат 15 кг.ни кўтарар экан. Бизни кўтара оладими ёки йўқми? Буни билиш учун "Занжир" ўйини кўринишида мусобақа ўйнаймиз. Қани, жадвалларни тўлдира бошлаймиз. Жавоби 103,44 экан. Демак, ҳаво шари бизни кўтара олар экан. Демак, биз Жозеф ва Этен Монголферлар ёрдамида Ўзбекистонга келдик. Ҳар томондан мухбирлар сизни ўраб оладилар ва турли саволлар билан мурожаат қила бошлайдилар.

— Ўнли касрнинг қайси хона бирликлари орасида вергул қўйилади?

— Ўнли касрнинг бутун ва каср қисмини ажратиш учун улар орасига вергул қўйилади.

— Ўнли касрнинг ўнг томонига бир ёки бир нечта 0 рақами ёзиб қўйилса, унинг қиймати ўзгарадими?

— Ўнг томонга 0 рақами ёзиб қўйилса касрнинг қиймати ўзгармайди.

— Ўнли касрни айириш натижасининг тўғрилигини неча хил усулда текшириш мумкин?

— Натижанинг тўғрилигини 2 хил усулда текшириш мумкин. Айирувчи+айирма=камаювчи

Камаювчи-айирма=айрилувчи

Муаллима: — Баракалла! Сиз барча саволларга тўғри жавоб бердингиз, энди қандай қўшиқ тинглашни хоҳлар эдингиз.

Талабларингизга биноан қўшиқ янграйди. Қўшиқ янграгунча уйга вазифани ёзиб олинг: 173, 174, 175-машқлар. Дарсимиз якунига етди.

Диққатингиз учун раҳмат!

Қ. МАТҚУРБОНОВ
ёзиб олди.

Китоб туманидаги А.Хўжаев номли 3-ўрта мактаб ўқитувчиси Абдуқаюм Зокиров 28 йилдан буён ўқувчиларга математика фани сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.
Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ИҚТИСОДЧИ ТАЛАБАЛАР ТАНЛОВИ

Банк-молия академиясида "Экономическое обозрение" (Иқтисодий шарҳ) журнали соврини учун иқтисодчи талабалар ўртасида ўтказилган танлов натижалари бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Иқтисодий тадқиқотлар маркази (ИТМ) томонидан нашр этиладиган журнал таҳририяти Инсон ресурсларини ривожлантириш Ўзбекистон-Япония марказида Тошкент олий ўқув юртлари иқтисодий мутахассисликлари талабалари ўртасида танлов ўтказди. Ташкилотчиларнинг вазифаси иқтисодий таълимни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш, ёшларнинг ўқишга қизиқишини рағбатлантиришдир.

ЎзА мухбирига ИТМдан хабар беришларича, танловда Тошкентнинг 14 та университети ва институтидан 68 нафар 1-4 курс талаба иштирок этди. Уларга топширилган тест-вазифа иқтисодий билимларнинг турли соҳалари: микро ва макро иқтисодиёт, жаҳон иқтисоди, халқаро иқтисодий муносабатлар, Ўзбекистондаги иқтисодий аҳвол ва ислоҳотларга оид 40 та саволдан иборат эди. Саволлар, асосан, умумтаълим хусусиятига эга бўлиб, умумий иқтисодий маданиятни аниқлашга қаратилган эди.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети халқаро туризм талабаси Дурбек Ҳакимов энг яхши натижа кўрсатиб ғолиб деб топилди. Тошкент Давлат шарқшунослик институти халқаро иқтисодий муносабатлар факультетида таҳсил олаётган Жасур Яхшиев 2-ўринни эгаллади. Юрий Наумов (Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти менежменти ва маркетинг факультети) ва Денис Алиев (Тошкент Давлат техника университети бизнесни бошқариш факультети) учинчи ўрин соҳиби бўлдилар.

Мукофот жамғармаси ИТМнинг молиявий кўмагида ташкил этилган эди. Танлов ғолибларига телевизор, аудиотизим ва видеомагнитафон топширилди.

ЎзА

Имкониятларимиз даражасида 11, 15, 49-мактабларга ҳам 50000 сўмдан пул маблағи ажратдик.

Чунки энг сўнгги русумдаги информацион технологиялар "тили"ни мукаммал билмаган кадр амалиётда панд еб қолиши ҳеч гап эмас.

Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

МАКТАБЛАР МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИ МУСТАҲКАМЛАНАЯПТИ

Маҳаллий ҳокимият, жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда таълимни ривожлантириш истиқболини белгилаш, таълим соҳасида таълим хизматлари кўрсатиш бозори ва маркетингни шакллантириш, пуллик хизмат кўрсатиш, сармоядан ташқари маблағ топишни ташкил қилиш ва ривожлантириш туман халқ таълими бўлимлари вазифалари сирасига киради. Бу борада Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги илм масканларида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ ҲУНАР (1-манзара)

Назар Ҳайдаров номидаги 11-мактаб жамоаси қўшимча маблағ топишни мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бошлашган эди. Ҳозирда мактаб ҳовлисидаги 200 туп мевали дарахтлардан ҳосил олина бошлади. Ўша йиллари экилган 2000 туп терак қурилишбоп материаллар бўлиб етишди. 50 сотих майдондаги буғдой пишиш арафасида турибди. Бу йил яна қўшимча 2000 туп терак қаламчалари ўтказилди.

— Мактаб ер участкасидан олинаётган даромад чакки бўлмаяпти, — деди мактаб раҳбари Салоҳиддин Обрўев. — Биз бу маблағларни мактаб эҳтиёжлари учун ишлатаяпмиз. Айни кунда таъмирлаш ишлари кундузги ўқув жараёни тугаганидан кейин олиб борилаётир. Чунончи, мактаб ошхонаси, стадиони, югуриш йўлаклари таъмирлаб бўлинди. 21 май куни билим даргоҳимизда туман бўйича кўчма семинар ўтказилади. Унда биз йиғилганларга шу каби тажрибаларимизни намойиш этамиз.

Мактаб теварак-атрофи, ошхонаси, даҳлизларини айланганимизда раҳбарнинг гапи ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Энг асосийси, Замира Эргашева, Зебо Ҳайдарова, Ўролтош Хайриева, Мавлон Худоёров, Убайдулла Одилов сингари илғор ўқитувчилар ўз фан кабинетларини ҳам таъмирлаб, ҳам жиҳозлаб улгуришибди.

Дарвоқе, мактаб атрофида ўстирилаётган анвойи гулларнинг, гул майдонларининг, ўз эгаси, эгалари бор экан. Масалан, 5-"А"синф ўқувчилари ўзларига ажратилган 5 сотих ерда атиргул, қўқонгул, мойчечак, гулхайри, дастарбош сингари гул турларини ўстиришмоқда. Бошқа синфларнинг ҳам ўз гуллари, ўз гул майдонлари бор. Улар дарслардан бўш пайтларида гул парвариши билан банд бўлишади.

Ундан ташқари, илм масканида ўғил-қизлар ҳар хил тўгаракларга жалб қилинаяпти. Мактабда фан тўгараклари билан бирга пойабзал таъмирлаш, сартарошлик, гиламчилик тўгараклари ишлаб турибди. Уларда ўқувчилар касб-ҳунарга йўналтирилиб, мустақил ҳаётга тайёрлаб борилмоқда.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚЎШИМЧА МАКТАБ (2-манзара)

Кимё-биология фани ўқитувчиси Ёрмамат Ражабов раҳбарлик қилаётган 29-мактабга ташриф буюрганимизда ажиб бир манзара — саранжом-саришталикнинг гувоҳи бўлдик. Ҳовлилар супуриб, сидирилган, гуллар таги юмшатилган. Ариқларда сув жилдираб оқиб ётибди. Директор кабинети, ўқитувчилар хонасини кузатамиз. Барча стол, стуллар чиройли, бежирим чокли матолар билан қопланган.

Мактаб даҳлизига кираверишда битирув имтиҳонлари жадвали яққол кўзга ташланади. У ерда, шунингдек, имтиҳонларда иштирок этадиган ўқувчилар ҳамда имтиҳон комиссияси раиси, унинг аъзолари рўйхати илова қилинган. Ҳаттоки, қайси фандан қайси куни консультациялар бўлишигача кўрсатиб қўйилган.

Мониторинг хонасида эса ўқитувчиларнинг рейтинг кўрсаткичлари, дарс ишланмалари, тажрибалари акс этган буклетлар, "Таълим тараққиёти" журналининг махсус сонлари тартибли жойлаштирилган. Жадвалларда эса ўқувчиларнинг билим самарадорлиги бўйича рейтинги, олий ўқув юртига кирган битирувчилар ҳамда фан олимпиадаларида яхши кўрсаткичларга эришган ўқувчилар сони келтирилган. Бошланғич синф ўқитувчиси Луиза Зиёдуллаева, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Дилором Ибрагимовалар суратлари ҳам илиб қўйилибди.

— Суратларнинг қўйилгани ҳурмат тахтаси, яъни илғорлик маъносини билдиради, — дейди мактаб илмий мудири Шуҳрат Саъдуллаев. — Бу ўзига хос рағбатлантириш ҳамдир. Бу усул ўқитувчиларни ташаббус билан, мусобақалашиб ишлашга, ҳар бир дарсга янгилик олиб киришга чорлайди.

Илмий мудир ҳамроҳлигида бошланғич синф ўқитувчиси Сабоҳат Тўхтаева дарс ўтаётган 2-"А" синфга кириб, ўғил-қизларнинг ўзлаштириши билан қизиқдик. Мазкур синфда умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларига алоҳида эътибор қаратилаётган экан. Чунончи, бу синфда ўғил-қизлар Ватан рамзлари ҳақида чуқур тушунчага эгалигини намоён этишди. Улар синов жараёнида рамзлардаги тасвирлардан тортиб, мадҳия куйини ким бастолаганигача айтиб беришди. Ҳаттоки, ўқувчилардан Маҳлиё Зиёдуллаева, Сурайё Ҳайитова, Анвар Фармонов, Ўрол Қурбоновлар Ватан, она диёр, истиқлол, ёш авлод, келажак тушунчалари акс эттирилган шеърларни кўтаринки руҳда ёд айтиб беришди. Очиғи, биз оддий қишлоқ мактабида бурро тилли болаларнинг вояга етаётганидан ғурур ҳиссини туйдик. Зеро, улар бизнинг келажагимиздир.

Бу илм масканида мактабдан ташқари таълимга ҳам эътибор берилаётгани бизни қувонтирди. Эътиборлиси, "Ёш наққошлар", ёғоч ўймакорлиги, бичиш-тикиш тўгараклари учун алоҳида-алоҳида хоналар ажратилган.

— Битирувчилар мактабдан тугма қадашдан тортиб енгил бичиш-тикишгача ўрганиб чиқишмоқда, — дейди ота-оналардан бири Маҳмуда Мардонова. — Масалан, қизим Сайёра мактабдалигидаёқ тикувчилик касбини танлади. Яқинда у Тошкентдаги "Машҳура" хусусий фирмасининг тикувчилик курсини ҳам тугатиб қайтди. Ҳозир қизимнинг қўлида гулдек ҳунари бор. Бу борада қизимга ва бошқа ўғил-қизларга йўналиш берган, бераётган мактаб жамоасига, айниқса, устозлари — меҳнат таълими ўқитувчилари Ойсоат Суюнова, Толибжон Эрдонов, Эргаш Қаҳҳоровларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Дарвоқе, мактаб жамоаси бир неча йилдирки, тадбиркорлик билан ҳам шуғулланишмоқда.

— Уч йил бўлдики, биз "Ўзбекистон" жамоа хўжалигидан 1 гектар ташландиқ ерни сўраб, ўзлаштириб олдик, — деди Ё.Ражабов. — Ҳозир у ерга ҳар йили буғдой экиб олаяпмиз. Ундан ташқари 15 сотихли мактаб тажриба ер участкасини бўш қўйганимиз йўқ.

Шунингдек, мактабда фермерлик иши (буғдой ўтаб бериш), макулатура тўплаш, овоз кучайтиргич ва радиотехника асбобларини ижарага бериш, металл парчаларини йиғишдан ҳам даромад олинаётган экан. У ерда жами хизматлардан биргина ўтган йилнинг ўзида 668250 сўм маблағ йиғилибди. Топилган маблағлар илм масканини кенгайтиришга, маркетингни ривожлантиришга сарфланаётир. Жумладан, 80 ўринли ошхона, стадион ана шу маблағлар ҳисобидан қурилди. Айни пайтда ошхонага яқин жойда 4 та қўшимча синфхона қурилиши давом эттирилмоқда. Синфхоналарни, яъни қўшимча мактабни янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига ўзига хос совға ҳам бўлади, дейишди муаллимлар.

БИР СОТИХ ЕРДАН 300000 СЎМ (3-манзара)

Ҳа, излаган имкон топади, ҳикматининг нақадар ҳақиқатлигини 40-мактаб жамоаси амалда исботладилар. Гап шундаки, жамоа бор-йўғи бир сотихлик жойга иссиқхона қуришиб, қиш бўйи помидор, булғор қалампири етиштириб сотишди.

— Жамоамиз билан биргаликда олдимизга ҳар йили ҳеч бўлмаганда битта янгилик, ўзгариш қиламиз, деган мақсадни қўямиз, — дейди мактаб директори Азамат Давронов. — Ўтган йили Алишер Навоийнинг 560 йиллиги муносабати билан мактаб ҳовлисида буюк шоир, мутафаккир бюсти ўрнатилди. Бу йил эса 300000 сўм миқдоридаги даромадга эга бўлдик.

Бундан ташқари, жамоа 50 дона қурилишбоп теракларини сотди. Айни кунда улар пул маблағларини янада кўпайтириш ниятида 4000 туп помидор кўчатини 50 сотихли ер участкасига ўтказиш ҳаракатида юришибди. Ёз бўйи помидор, бодринг, булғор қалампири каби маҳсулотларни сергавжум бозорларда сотишни мўлжаллашмоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Юлдуз" фермер хўжалиги (раҳбари Олим Хўжанов) мактабдаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб турибди. Ҳар хил тадбирлар ўтказишга ёрдам қўлини чўзаяпти. Масалан, хўжалик 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбирга баҳоли-қудрат ҳисса қўшди. Кексалар мактаб ва фермер хўжалиги ҳамкорлигини маъқуллаб, дуои фотиҳа қилишди.

ҲАРАКАТГА БАРАКАТ (4-манзара)

Катта тош йўлнинг яқинида жойлашган 12-мактабда ҳам қўшимча маблағ топишнинг турли йўллари изланаяпти. Дастлаб бу ерда қорамолчиликка қўл урилган бўлса, эндиликда мулкнинг қўйчилик шакли ривожлантирилмоқда.

— Ҳадисда "Қўй — барака" дейилган, — дейди мактаб директори Акром Ҳамроев. — Шу боис биз мактабдан унча узоқ бўлмаган жойда қўйчиликни ташкил этдик. Ҳозирда боқилаётган қўйларимиз сонини 50-60 бошга етказмоқчимиз. Ундан ташқари, янги иссиқхона қурилишига жой ажратдик. Шунингдек, 2,5 сотих ердаги теракларимиз бўй кўрсатиб қолди. Бир йилдан кейин улардан олинган даромадни айланма маблағга қўшамиз. Қисқаси, келажакда маблағ топишнинг янги-янги имкониятларини излаб топамиз.

Қувонарлиси, яқинда Бобур номидаги ширкат хўжалиги (раҳбари Мардон Зайниддинов) мактаб жамоасини қўллаб-қувватлаш мақсадида 100000 сўм пул ажратди.

— Ҳаракатга баракат, деб бежиз айтилмаган, — деди хўжалик раиси М.Зайниддинов. — Имкониятларимиз даражасида 11, 15, 49-мактабларга ҳам 50000 сўмдан пул маблағи ажратдик. Мақсадимиз туманимизда бошланган ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ҳаракатини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Умуман олганда, Нарпай туманида сармоядан ташқари маблағ топишни ривожлантириш, маҳаллий ҳокимият, жамоа ва фермер хўжаликлари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда таълим равнақини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ибратга молик. Келажагини яратаётган илм масканларидаги мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ тажрибалар, саъй-ҳаракатлар бошқа туманларда ҳам кенг авж олдирилишига ишончимиз комил.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ, "Ma'rifat"нинг махсус мухбири

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЛЕКТРОН ДИСКЛАРДА

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан "Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши" номли электрон диск (CD) яратилди. У мактаб ўқувчилари, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

Яратилган CDни ўзликни англашнинг муҳим манбаи деб аташ мумкин. Зеро, электрон дисклар келажак авлодда ўзликни англаш, аждодларга ҳурмат, Ватанга садоқат каби муқаддас туйғуларнинг шаклланишига хизмат қилувчи энг тезкор ва ишончли воситалардан эканлиги кундан-кунга аёнлашиб бормоқда. Бугун компьютери бўлмаган биронта ҳам олий ёки ўрта махсус ўқув юрти йўқ. Ҳаттоки ўрта мактабларда ҳам бир неча компьютерлардан иборат махсус синфлар ташкил этилган. Ўқувчилару талабаларнинг кўпчилиги бирон-бир соҳани мукаммал эгаллашда электрон дисклар қоғоз китобларга қараганда анча ўнғай эканлигига амалда ишонч ҳосил қилмоқдалар. Бир томондан масофадан туриб ўқитишдек энг илғор педагогик технологиялар оммалашиб бораётган, иккинчи томондан турли информацион хуружлар авж олаётган, баъзан эса ахборот алмашинув майдонларида росмана жанглар кетаётган ўта масъулиятли даврда миллий-диний қадриятлар таянч нуқта ва тўғри йўл кўрсатувчи ишончли воситалардан ҳосилланади. Шу боис маънавий баркамол авлод тарбиясида беқиёс катта аҳамиятга молик азалий қадриятларимизни қайта тиклашга алоҳида эътибор берилмоқда.

2001 йилнинг июнь-август ойларида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб "Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши" мавзусида Бухоро, Самарқанд, Хива, Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида илмий-амалий анжуманлар ўтказилган эди. Уларда республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларидан элликка яқин академик ва фан докторлари, профессорлар, етмишдан ортиқ фан номзодлари, доцентлар, кўплаб тадқиқотчи ва аспирантлар, дин арбоблари, турли ташкилотларнинг раҳбарлари, жами икки юз элликка яқин кишининг маъруза ва ахборотлари тингланиб, муҳокама қилинган эди.

Маърузаларда истиқлол йилларида миллий-диний қадриятларимизни қайта тиклашнинг назарий ва амалий жиҳатлари, ислом дини ва ахлоқи, тафсир, ҳадис, фиқҳ ва калом илмлари, "Авесто" китоби, Имом ал-Бухорий ва бошқа таниқли диний алломалар мероси, ўзбек тили ва ёзуви, мумтоз ва замонавий адабиётимизда миллий-диний қадриятларнинг бадиий ифодаси ҳамда улардан ёш авлод тарбиясида фойдаланиш йўллари ёритилган. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг мустақиллик йилларида миллий-диний қадриятларимиз борасидаги сиёсати тўғри ва узоқни кўзлаганлиги, у халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётганлиги асослаб берилган. Шунингдек, миллий-диний қадриятларимизнинг асрлар оша эл-юрт фаровонлиги ва осойишталиги, ахлоқий-маънавий покликка даъват этиб, ҳар қандай зарарли ғояларга кескин зарба бериб, ғаразли ниятларни фош этиб келгани, истиқлол йилларида умуммиллий барқарорлик ва бирдамлик омили бўлиб хизмат қилаётгани очиб берилган.

60 босма табоқдан ошиқ ушбу материалларнинг электрон диски ўқитишнинг замонавий технологияларини ҳаётга жорий этиш тамойилига тўла мос келади.

Х.НИШОНОВ

ДУНЁ ТАЖРИБАСИ — АЛОҚА СОҲАСИГА

Anjuman

Масофадан туриб ўқитиш XXI аср таълимидаги энг сўнгги янгилик сифатида эътироф этилди. Аслида локал тармоқ орқали ўқитиш XX аср бошларида сиртқи таълим сифатида юзага келган эди. Товуш, ҳаракат, образ ва матн уйғунлиги имкониятларига кўра янги, ўзига хос ўқув муҳитини яратадики, унинг ривожланиши билан ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб этиш даражаси ошади.

Душанба ва сешанба кунлари Тошкент электротехника алоқа институтида "Масофадан ўқитиш техника ва технологияси" мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман иш кўрди. Дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасининг Ўзбекистон таълим тизимига кириб келиши, бу борадаги илк тажрибаларнинг пайдо бўлиши қўллаб-қувватлашга арзийдиган ҳол. Тошкент Давлат иқтисодиёт ҳамда техника университетларида дунё тажрибасидаги масофадан ўқитиш тизимига дадиллик билан мурожаат қилиниб, анчагина ютуқлар қўлга киритилди.

Телефон, коммуникация тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаётган электротехника алоқа институтида масофадан туриб ўқитиш масаласига қандай ёндошилмоқда? Бу муҳим масала. Чунки энг сўнгги русумдаги информацион технологиялар "тили"ни мукаммал билмаган кадр амалиётда панд еб қолиши ҳеч гап эмас. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори А.Орипов ўз кириш сўзида шуни таъкидладики, ҳозирги кунда юртимиз 180 та мамлакат билан телефон тармоқлари орқали боғлана олади. Халқаро каналлардан 170 минг мижознинг фойдаланиш имконияти мавжуд. Уларга 60 та хўжалик субъектлари хизмат кўрсатмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан институт ректори Содиқжон Қосимовнинг маърузасида таълимнинг бу шаклини ташкил этишдаги ишлар муффассал таҳлил қилинди:

— Масофадан ўқитишнинг истиқболли дастури ишлаб чиқилган бўлиб, бу бир қатор лойиҳалар орқали амалга оширилади. Ҳозирда масофадан ўқитишнинг ресурс информацион маркази яратилди. 19 та компьютер информацион ресурсларни тайёрлаш бўйича иккита технологик линия, масофадан ўқитиш сервер маркази, маълумотлар жамғармаси яратилган. Унда институтимиз ўқув режасига киритилган 50 та фанлар ўқув курслари ва яъни маърузалари, шунингдек, почта ва телекоммуникациялар соҳасидаги раҳбар ходимлар ва муҳандис-техник мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича Марказий Осиё телекоммуникация ўқув маркази билан ҳамкорликда 7 та курс ишлаб чиқилмоқда.

2000 йилнинг май, июнь ойларида Жаҳон банки институти Швейцариядаги ривожланиш корпорацияси ва Евро Осиё фонди билан ҳамкорликда Москвада Ўрта Осиёда иқтисодиёт учун масофадан ўқитиш ёзги мактабини ташкил этди. Бу мактабдан иқтисодиёт ҳамда рақамли техника ва электр алоқани бошқариш тизимлари кафедраси ўқитувчилари маълумотлар билан бойиб қайтишди.

Компьютер дастурларини қўллаган ҳолда иқтисодиёт асослари курсини ўқитиш учун факультет 2-курс талабаларидан эксперимент гуруҳ тузилди. Бу гуруҳ 2002-2001 ўқув йилида макро ва микроиқтисодиёт фанини виртуал муҳитда ўрганишди.

... Истиқболда АҚШнинг Мериленд, Линкольн университетлари, Савдо ва ривожланиш агентлиги билан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги меморандум асосида бир нечта лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланяпти.

Анжуман ялпи мажлисидаги асосий маърузаларни бешта йўналишга тақсимлаш мумкин: масофадан ўқитишга концептуал ёндошувлар, МЎнинг коммуникацион технологиялари, МЎ учун электрон кутубхона ва электрон ўқув қўлланмалари, МЎда дастурий таъминот ва улардан фойдаланиш методикаси.

Анжуманнинг ялпи мажлисидан сўнг иштирокчилар бир нечта шўъбаларга бўлинишди ва масофадан ўқитишни яхшилаш, унинг имкониятларидан фойдаланиш хусусидаги таклиф, мулоҳазаларини ўз маърузаларида айтиб ўтишди. Зеро, масофанинг чекланмаганлиги, исталган жойда яшовчи ҳар бир таълим олувчига ўзи хоҳлаган коллеж ёки университетда ўқиш учун имкон яратилганлиги бу таълим турининг аҳамиятини белгилаши анжуманда қайта-қайта таъкидланди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

Хўжаобод туманида мактаб ўқувчиларини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб ўқувчиларини овқатлантириш борасида ҳомийлар катта ёрдам бермоқдалар.

Жумладан, тумандаги 2-ўрта мактабга 95-автокорхона жамоаси кўмак бермоқда. 5-мактабнинг 110 нафар ўқувчисини Ҳамза номли ширкат хўжалиги ҳафтада бир кун бепул нонушта билан таъминламоқда. 8-мактабдаги 90 нафар ўқувчи ҳам "Хўжаободсавдо" ҳиссадорлик жамияти томонидан ҳар ҳафтада бир кун бепул нонушта билан таъминланяпти.

"Ҳамкорбанк"нинг тумандаги шоҳобчаси ҳам 24-мактабдаги 90 нафар ўқувчини бепул нонушта билан таъминлаб келяпти.

Ҳомийларнинг бу ҳимматидан ота-оналар, муаллимлар ва ўқувчилар мамнун бўлмоқдалар.

О.СИДДИҚОВ

ЎҚИТУВЧИ МЕҲНАТИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАНДА...

Jarayon

Сайхунобод тумани анча йиллардан буён таълим тизимида умумий кўрсаткичлар бўйича вилоятда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу натижа тасодифий бўлмаганлиги боис узоқ муддат давом этмоқда. Туман маорифчилари бундай юқори кўрсаткичга ўз меҳнатлари ва тинимсиз изланишлари туфайли эришмоқдалар.

"Туманимизда таълим тизимида меҳнат қилаётган фидойи инсонлар кўпчиликни ташкил қилади, — дейди суҳбатдошимиз, Сайхунобод тумани халқ таълими бўлими мудири Алдияр Қолбоев. — Биз ўз касбининг жонкуяри бўлган бундай инсонларга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилаяпмиз. Чунки меҳнатлари эътироф этилиб, унга эътибор кўрсатилганда, ўқитувчи янада фаоллашади. Шу билан бирга суст ўқитувчилар ҳам бу эътибор ва рағбатдан ибрат оладилар. Ҳар бир мактабнинг бошқа ҳамкасбларидан билими ва ҳулқи, тиниб-тинчимаслиги билан "ярқ" этиб ажралиб турадиган фахрли педагоглари бўлади. Таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ана шундай ижодкор ўқитувчилардан 60 нафарини саралаб олганмиз. Таъбир жоиз бўлса, улар бизнинг "олтин фондимиз" ҳисобланади ва ҳар бир иш, янгилик бевосита уларга суянган ҳолда амалга оширилади. Мисол учун, шундай педагогларимиздан бири, 28-мактаб математика муаллимаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Марҳамат Завқиеванинг шогирдлари 10 йилдан буён фанлар олимпиадаси вилоят босқичида 2-ўринни олиб келади (нега 1-ўринни ололмаяпти, десангиз, Боёвутда махсус математика мактаби бор, улардан ўтолмаяпмиз). 9-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали нишондори Фарида Туребоеванинг ўқувчилари эса, фан олимпиадаларида вилоятда 1-ўринни олиб, республика босқичида иштирок этиб келмоқда. Бундай ўқитувчилар бизнинг фахримиз ҳисобланади ва имкон қадар улар меҳнатини рағбатлантириш, қулай иш шароитини яратиб бериш вазифамиздир.

Туманимизда ўқитувчилар фаолиятига эътибор қаратиш билан бирга мактаблар миқёсида таълим сифатини оширишга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, мазкур ўқув йилидан бошлаб мактаблар ўртасида ўзаро ижобий рақобат муҳитини шакллантириш, илғор мактабларни тақдирлаш ва улар ишини оммалаштириш, вазифалар суст амалга оширилаётган таълим муассасаларига кўмак бериш мақсадида таълим муассасалари ўртасида танлов эълон қилдик. Танлов шартига кўра бир ўқув йилида икки маротаба энг яхши кўрсаткичга эга бўлган мактаб аниқланади. ТХТБда тузилган эксперт гуруҳи мактаблардаги синфдан ташқари тарбиявий ишлар, ўқувчилар билими ва уларнинг фанлар олимпиадаларидаги фаоллиги, маркетинг ишлари, ота-оналар билан ҳамкорлик, педагоглар малакасини ошириш, ўқувчиларни ОЎЮга ва касб-ҳунарга йўналтириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мактаблар жиҳозланиши, дарслик таъминоти, болаларнинг спорт мусобақаларида қатнашиш ҳолатларини ўрганиб танлов ғолибларини аниқлайдилар. Ушбу танловимизнинг ўқув йилининг ярмида эълон қилинган натижаларига кўра 1-ўрин 35-мактабга (директор Холмўмин Нуралиев), 2-ўрин 1-мактабга (директор Мақсуда Исмоилова), 3-ўрин 28-мактабга (директор Нормамат Завқиев) берилди. Ғолиб мактаблар ўн беш минг, ўн минг, саккиз минг миқдоридаги пул мукофотлари билан тақдирландилар. Унда яхши натижа кўрсата олмаган таълим муассасаларидаги аҳвол танқидий ўрганиб чиқилиб, улардаги мавжуд хато-камчиликларни тузатиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу тадбиримиз мактаблар ўртасида қизғин рақобат муҳитини уйғотди ва тинимсиз изланиб меҳнат қилишга рағбат уйғотди, деб айтиш мумкин. Айни ўқув йилининг якунланиши арафасида уларнинг ҳар бирида туман биринчилиги учун кетаётган қизғин бир ҳаракатни кузатиш мумкин".

Дарҳақиқат, туманда бугун таълим сифатини жонлантириш, ўқувчиларга замон талаблари даражасида билим бериш йўлида амалга оширилаётган бу каби ижобий тадбирлар кўлами анчагина. Ўйлаймизки, ёш авлод баркамоллиги йўлида қилинаётган меҳнатлар, албатта, келажакда ўз мевасини беради.

И.ИСКАНДАРОВ

Jahon mutafakkirlari

ФАЛСАФАНИНГ СЎНМАС ЮЛДУЗИ

Афлотун жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирган буюк аллома-дир. Қадимги Юнонистонда яшаб ижод қилган бу файласуф олим ижоди ва мероси бутун инсониятга тааллуқлидир. Афлотун, тадқиқотчилар тили билан айтганда, инсоният устозидир. Уни эрамиздан аввалги IV аср бошларида Афина шаҳрида мактаб очгани учунгина эмас, балки қолдирган бебаҳо илмий ва адабий мероси учун ҳам устоз деб аташади.

"Агар алломанинг асарлари бўлмаганида биз қадимги юнонликлар ва уларнинг дунё олдидаги хизматлари қай тариқа эканлигини яхши билмасдик. Фалсафа, санъат, назм, инсон, унинг интилиши, амалий ишлардаги қийинчиликлари ва унинг сеҳрли кучи нимада эканлигини яхши билмаган бўлар эдик", деб ёзган эди рус олими В.Ф.Астус.

Афлотун риёзиёт (математика)га, костология, мусиқага ҳам тегишли масалаларни таҳлил қилган. Аллома таълимоти нафақат антик фалсафа тарихига, балки антик фан тарихига ҳам тааллуқлидир. У риёзиётни ўрганишга даъват қилган. Шунинг учун файласуф Афлотунни риёзиётчи Афлотундан ажратиш мумкин эмас. Чунки у риёзиётни фақат ақлни пешловчи педагогика учун ёки мантиқий ва диалектик машқ учунгина эмас, балки ижодий илм масалалари сифатида ўрганишга даъват этган.

Унда файласуф билан олимлик қирралари уйғунлашибгина қолмай, шоирлик ва драматурглик қирралари ҳам ўз аксини топган. Зотан, Афлотун ўз фалсафий, илмий ғояларини адабий асарларида баён қилган бўлса ҳам, унинг ижтимоий-фалсафий ва табиий—илмий фикрлари адабий шакл билан боғланганлиги табиий бир ҳолдир.

У ўз ғояларини диалоглар тарзида ёзиб қолдирган.

Унинг диалогларида бир гуруҳ шахслар иштирок этадилар. Булар Суқротнинг шогирдлари ва дўстлари, софистлар, шоирлар, Суқротнинг ўзи ва Аристофан, Алкивиад, Пратагор ва бошқалардир. Афлотун "Ғоялар дунёси" таълимотининг асосчисидир. Файласуф фикрича, "ғоя — ҳақиқий борлиқ. Биз биладиган ва яшайдиган дунё эса унинг соясидир. Ғоялар дунёсининг қонуниятларини ҳамма ҳам била олмайди. Уларни биладиган зотлар ниҳоятда кам учрайди. Улар улкан ақл эгаси бўлади ва тарихда чуқур из қолдиради". Афлотуннинг бой илмий мероси ўзи яшаб ижод қилган даврдан антик жамият инқирозга юз тутган даврдаги барча фалсафий диний таълимотларга ўз таъсирини ўтказиб келган. Турли тузумларда яшаб ижод қилган мутафаккирлар Афлотун меросига мурожаат қилар эканлар, бу тубсиз хазинадан улар ўз қарашларига, маслакларига, эътиқодларига, қолаверса, тузумларга мос келадиган томонларни олиб, янада ривожлантириб, янги-янги ғоялар билан бойитиб келганлар. Афлотун таълимотининг яна бир таъсир кучи шундаки, унинг диалектикаси узоқ вақтларгача турли-туман фалсафий оқимларга манба вазифасини ўтаб келди. Гегель ўзининг диалектик таълимотига Афлотун диалектикаси таъсир ўтказганлигини тан олади.

Мисрга қилган сафар Афлотуннинг ижтимоий-сиёсий қарашларига катта таъсир кўрсатади. Айниқса, у ердаги меҳнат тақсимоти ва шакли, арифметикани ўқитиш услуби уни ҳайратга солган.

387 йили Афлотун яна Афинага қайтиб келади ва ўша йили Академия номли мактаб очади. Бу мактаб Академ номли одамнинг боғида жойлашгани учун Академия деб атала бошланди. Ўша даврдан бошлаб Академия термини расмий мақом сифатига киради. Тарихий манбаларда келтирилишича, аллома ўзидан кейин 35 дан ортиқ диалог тарзида ёзилган асарлар қолдирган. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Афлотунга тегишли асарлардан айримлари унга мансуб эмас, лекин Арасту келтирган маълумотларни бирдан-бир тўғри маълумот, деб қараш мумкин, чунки, Арасту Афлотуннинг энг яқин дўсти ва шогирди бўлган.

Афлотуннинг асарлари унинг тадқиқотчилари, тарихчилар томонидан тўрт қисмга ажратилган. 1-қисмга "суқротчилар диалоги" деб ном берилган. Бу асарлар асосан Афлотун Суқротнинг ўқувчиси бўлган даврда ёзилган бўлиб, унда устозининг қарашлари акс эттирилган. Бунга файласуфнинг қуйидаги асарлари киради, "Лахез" (Жасурлик ҳақида), "Хармид" (Доноллик ҳақида), "Лисис" (Севги ва дўстлик ҳақида), "Критон" (Қадрият ҳақида), "Ион" (Бадиий ижод табиати ҳақида), "Кичик Гиппи" (Софистлар танқиди), "Протогор" (Фазилатлар ҳақида), "Давлат" (Адолат ҳақида) кабилардир. 2-қисмга эса суқротчилар доирасидан афлотунчилар доирасига ўтиш даврида ёзилган асарлар киради. Булар "Горгий", "Крикий", "Катта Гиппи"лардир.3-қисмга оид асарлари Афлотуннинг баркамоллик даврида ёзилган "Меникан", "Базт", "Федр", "Федон", "Давлат" каби асарлари бўлса, 4- қисмга Афлотуннинг қуйидаги диалоглари киради. "Тэатет", "Софист", "Парменит", "Сиёсатчи", "Тимей", "Крити". Диалоглар услуби эркин, улар ҳам фалсафий, ҳам бадиий мақсадда баён этилган.

Афлотуннинг ғоялар тўғрисидаги таълимотининг қарор топишида Элей фалсафий мактабининг намоёндалари Парменид ва Зенонларнинг таъсири сезиларли бўлган.

Ғоя деган тушунчани юнон фалсафасига биринчи бўлиб Афлотун эмас, балки унинг замондоши Демокрит киритган. Демокрит атомларни ғоя, деб атаган эди.

Ғоялар таълимотидан Афлотун моҳият ва ҳодиса ўртасидаги мавжуд фарқни қабул қилди. Унинг таълимотича, 2 хил борлиқ мавжуд. Булар ҳақиқатдан ҳам мавжуд борлиқ ва тахминан мавжуд борлиқ. Ана шу таълимотни Афлотун ўзининг муҳим асари "Тимей"да ифодалай олган. Афлотуннинг фикрича, "ғоялар дунёси"да энг олий яхшилик бу бахт ғояси худодир. Бундан кўриниб турибдики, Афлотуннинг таълимоти дин билан қўшилиб кетган. Унинг фикрича, ғоялар тури ҳар хил. Моддий оламнинг турли қисмларини ташкил этувчи минераллар, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсонлар ва улар томонидан яратилган нарсалар "умумий ғоялар"нинг нусхасидир. Табиат ва жамиятдаги барча гўзал нарсалар ҳам шу ўзгармас мутлоқ гўзаллик ғоясининг нусхаси ҳисобланади. Умумий ғоялар сезиладиган нарсалар ва ҳодисаларни яратади. Аслида Афлотун таъкидлаган умумий ғоялар моддий оламдаги предметлар тўғрисидаги инсон тушунчаларидир. Инсон тушунчасини Афлотун моддий дунёдан ажратиб, уни мустақил моддий дунёни яратган илоҳий куч деб билади.

Афлотуннинг билиш назарияси унинг онтологик борлиқ ҳақидаги қарашлари билан ҳамда жон ҳақидаги таълимоти билан ҳам узвий боғлиқдир. Унинг фикрича, жон ноҳиссий "ғоялар" табиати билан ўхшаш бўлиши керак. "Жон ўз-ўзича биронбир нарсани билишга интилар экан, у абадий, барҳаёт ва ўзгармас жойга йўл олади", — дейди Афлотун. Доноллик ва ўзгармаслик билан ёнма-ён турувчи жон ўзида ўша ўзгармас хусусиятларни кўради. Бу унинг ҳолатидир ва уни мулоҳаза деб аташади. Жон мулоҳаза юритиши билан ўзгарувчанликка эмас, турғунликка қатъиян яқин туради. Жон ўз моҳиятига кўра олий даражада илоҳий абадий, ақл орқали билинувчи ягона шаклли парчаланмайдиган барқарор ва ўзгармасдир. Жон замон шароитига ва борлиқнинг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда унга "тааллуқли"дир.

Афлотун ижтимоий-сиёсий масалаларга доир "Давлат", "Қонунлар", "Сиёсат" ва "Критий" номли асарлар ёзиб қолдирган. У илгари сурган идеал жамият намунаси такомиллашмаган эмперик воқеликка қарама-қарши туради. Афлотуннинг фикрича, мавжуд барча давлатлар салбий давлатлар типини ташкил этади. Қандай давлат бўлмасин унда доимо 2 та бир-бирига зид давлат (синфлар—С.Йўлдошев) мавжуд. Улардан бири камбағаллар давлати бўлса, иккинчиси бойлар давлатидир.

Давлатнинг салбий типлари унинг фикрича, 4 та шаклда: 1-тимократия, 2-олигархия, 3-демократия, 4-тирания кўринишида мавжуддир. Давлатнинг бу шаклларининг ҳар бири идеал давлат шаклининг ёмонлашуви ёки бузилиши туфайли юзага келади. Давлатнинг бу шакларида нифоқ, зўрлик ҳукмронлик қилиб мансабдорлар қабиҳ мақсадларини амалга оширишлари йўлида, тахтни эгаллашга интиладилар.

Афлотун давлатнинг салбий шаклларига қарама-қарши идеал давлат ҳақидаги фикрларини илгари суради. Файласуф хаёл қилган давлатни давлат ишларини яхши биладиган қобилиятли кишилар бошқаради. Унинг фикрича, давлатни бошқарувчилар туғма қобилиятга эга бўлишлари, узоқ муддат давомида тайёргарлик кўришлари шарт. Идеал давлат тузилишининг асосий негизида адолат ётмоғи лозим. Энг адолатли давлат тузуми давлатнинг муҳим масалаларини ҳал этувчи бир қатор маънавий, иқтисодий ва сиёсий хусусиятларга эга бўлиб, ўзининг биргина ҳаракати билан муҳим масалаларни ҳал этишга қодир бўлмоғи лозим.

Афлотуннинг "идеал давлати"да жамият учун зарурий илмлар махсус касбга эга кишилар ўртасида тақсимланган бўлиб, улар яхлит гармоник бирликни ташкил этади. Меҳнатнинг тақсимланишида Афлотун ўз давридаги замонавий давлат тузумининг заминини кўради. Унинг фикрича, файласуфлар ва ҳарбийлар ҳеч қандай хусусий мулкка эга бўлмайди. Агар улар олтин ва кумушларни сақласалар аёвсиз равишда қаттиқ жазога тортиладилар. Афлотун таълимотича, оқиллик ва мардлик ижобий ва фаол фазилатлардир. Одиллик шахсий фазилат бўлмасдан, балки, давлатга хос фазилатдир. Маънавий тарбиянинг асосий масаласи эса қонунларга ихтиёрий бўйсунишга эришишдир.

Афлотун "Қонунлар" асарида санъатга нисбатан қаттиқ талабчанликдан бироз чекинганлигини яққол сезамиз. Инсон зотига, оғир меҳнатдан оз фурсат бўлса-да, дам олишлари, байрамлар ўтказишлари учун Аполлон худоси мусиқа ҳадя этади.

Умуман, кўҳна юнонистонлик қомусий билим соҳиби Афлотуннинг бой маданий мероси жаҳон маданиятига буюк ҳисса қўшиши билан бир қаторда асрлар оша ижод этаётган олимлар, файласуфлар, тарихчию адабиётчилар, санъаткору педагоглар, ҳуқуқшуносу сиёсатчиларга ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилган ва хизмат қилиб келмоқда.

АФЛОТУН ҲИКМАТЛАРИ

Арзимас ва фойдасиз нарсаларга ортиқча вақт сарфлаш доно учун бемаъниликдир.

Ўзгалар бахтини ўйлаган киши ўз бахтини топади.

Инсон бошига қайғу тушганда ўзидан эмас балки тақдирдан, яраттувчидан зорланади.

Яхши бошланган иш ярми бажарилди деган гап.

Қандай бўлса шундай қолишга аҳд қилишлик нодонликдир.

Доноликнинг асоси—сабру қаноат.

Хурофотга муккасидан кетган киши, энг оғир нафратга гирифтордир.

Бадантарбия тиббиётнинг шифобахш дорисидир.

Умид — уйғоқ кишилар кўрадиган тушдир.

Ўзини-ўзи алдаш даҳшат, чунки бунда алдовчи ҳамиша алданувчида мужассамдир.

Виждонсиз нотиқлар ёмонни яхши деб тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

Худо инсонга ақлдан ўзга қимматлироқ нарсани инъом этмаган.

Лаззат ҳукмронлик қилган ерда меъёр бузилади.

Ҳузур-ҳаловат салтанатида эзгуликка ўрин қолмайди.

Саъдулла ЙЎЛДОШЕВ,
ЎзМУ кафедра мудири,
фалсафа фанлари номзоди

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

Яқинда ТШХТББда шаҳар ижодкор муаллимларининг анжумани бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари назм, наср, драматургия шўъбаларига бўлиниб, ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Шоир Икром Отамурод бир гуруҳ ижодкор ўқитувчиларнинг шеърлари ҳақида илиқ фикр билдириб, айрим шеърлардаги камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди.

Танловда Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Дилдора Пўлатова, Миробод туманидаги 213-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Амрулло Карим ҳамда Сирғали тумани мактабларо касб-ҳунарга йўналтириш маркази раҳбари Саид Абдуллаевларнинг ижоди юқори баҳоланди ва улар республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

* * *

Самарқанд вилояти Нуробод туманида бўлиб ўтган ижодкор ўқитувчиларнинг вилоят анжуманида турли туманлардан келган ўқитувчилар иштирок этишди.

Анжуманда нуробод-лик Солижон Худоёров, булунғурлик Рустам Бердиалиев, тойлоқлик Абдулло Нисоров, пайариқлик Меҳринисо Бобобекова, иштихонлик Муҳаббат Тўхташева каби таниқли ижодкор ўқитувчилар билан бирга ўз шеърлари билан кишиларни ром этаётган Замира Темирова, Мустафо Исаев, Гулжаҳон Мустафоева, Мардон Суюнов, Рўзимурод Болқиев, Рисолат Тожиева сингари ўқитувчиларнинг Ватан, устоз, она, муҳаббат мавзуларидаги ижод намуналари анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман иштирокчиларини Нуробод туманининг 9,10,11-мактаб ўқувчилари ва иқтидорли ўқувчилари илиқ кутиб олдилар ва ўзлари тайёрлаган шеър, қўшиқ, кичик саҳна кўринишлари орқали даврага файз киритдилар.

Вилоятдан З.Темирова, М.Исаев, Г.Мустафоевалар республика анжуманида иштирок этиш имкониятини қўлга киритдилар.

Назокат ШЕРБОЕВА

* * *

Навоий ВХТБ тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчилар орасида юзлаб ижод билан шуғулланадиган қаламкашлар бор.

Навоий ВХТБ маънавият ва маърифат уйида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 15 апрел 62 сонли буйруғи ижросини таъминлаш бўйича "Ижодкор ўқитувчи—2002" кўрик-танлови вилоят босқичида бунга яна бир бор амин бўлдик.

Танловда Нурота туманидаги "Болалар ва ўсмирлар ижодиёти уйи"даги "Нафосат" тўгарак раҳбари Мукаррам Ражабова, Хатирчи туманидаги 10-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Феруза Сайфуддинова, ВХТБ га қарашли катталар таълим марказининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Рисолат Бердиевалар ғолиб деб топилдилар.

Кўрик-танловга Навоий шаҳар халқ таълими бўлими, "Навоий-Шамс" фирмаси ҳомийлик қилишди. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ғолибларга фахрий ёрлиқ ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ўткир ПЎЛАТ

КЎНГИЛГА ЁҚАДИГАН ҲИКОЯТЛАР

"Ҳикоёти дилписанд" ("Кўнгилга ёқадиган ҳикоятлар") деб номланган китоб ҳиндистонлик олим Ғулом Муҳаммад (Восиф) қаламига мансубдир. Ғулом Муҳаммад бу китобни XIX асрнинг иккинчи ярмида ёзган ва у Лакнав ҳамда бошқа шаҳарларда бир неча бор босилган. Китоб бошдан-оёқ масаллардан иборатдир ва бу масаллар, китоб муаллифининг тили билан айтганда "кучли қудратга эга бўлиб, хилма-хил ваъз ва ҳикматларни ўз ичига олади, ибрат кўзига узоқни кўра олиш сурмасини суриб, ҳаётдаги тажрибасиз кишиларни олийлик даражасига етказади, баднафслик иллатини йўқотиб, Исо нафасидек хуш таъсир кўрсатади".

Қуйида ана шу китобдан ўрин олган айрим ҳикоятларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ХЎРОЗ ВА ГАВҲАР ҲИКОЯТИ

Баъзи нодон кишилар ўзларига фойда келтирадиган нарса учунгина интиладилар. Уларнинг олдида нафис санъат асарлари ёки қимматбаҳо ашёларнинг қадри бўлмайди. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоятни келтирадилар.

Бир хўроз донлаш учун зўр бериб тупроқни титар эди. Ногаҳон тупроқ ичидан гавҳар чиқиб қолди. "Э, воҳ!— афсус билан қичқирди хўроз. —Бунинг ўрнига бир дона гуруч чиқса ҳам майли эди. Мен учун юзлаб гавҳардан бир дона гуруч минг бор афзалдир!".

ҚИРҒИЙ, БУРГУТ ВА КАБУТАРЛАР ҲИКОЯТИ

Дўст билан душманни фарқламай, душманга ишонч билдириш оқибати фалокатдир. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоят машҳурдир.

Нақл қилишларича, қадимий айёмларда кабутарлар тўдаси қирғий жабридан жонлари томоққа келиб, бургутни посбонликка тайин қилдилар. Бургут бу касбга мушарраф бўлгач, кабутарларни қўриқлаш ўрнига қиришга тушди. Натижада қирғий икки ойда қиладиган ишни бургут икки кунда қилиб тугатди.

ИТ ВА ЎҒРИ ҲИКОЯТИ

Бирор киши лаганбардорлик қилиб, ширин ва ёқимли сўзлар айтса, совғалар берса ёки туҳфалар юборса, ундай кишидан шубҳаланмоқ лозим. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоятни келтирадилар.

Бир гуруҳ ўғрилар бир кишининг уйини урмоқчи бўлдилар. Уй хожасининг ити бу ҳолни пайқаб, шовқин-тўполон кўтарди. Ўғрилардан бири итни тинчитиш учун бир бурда нонни унинг олдига ташлади. Ит ўзича ўйлаб: "Бир бурда нонниг роҳатини деб, ўз хожамга хиёнат қилмайман ва бир умрлик озодлигимни кўкка совурмайман!" деди.

ОЧКЎЗ БОҒ ЭГАСИ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТ

Барча нарсага эгалик қилишни истовчи очкўз ва хасис кишилар ёмон феъллари туфайли қўлларида боридан ҳам ажралиб қоладилар. Борига сабр қилмаган бундай кишилар насибаси доимо ғам ва андуҳ бўлади. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоят ибратлидир.

Tarbiyaviy soatlarda

Бир боғбон бировнинг боғини парвариш қиларди. Боғда бир олма дарахти бўлиб, меваси жуда ширин эди. Шунинг учун боғбон бу олма дарахтини бошқа дарахтлардан кўра яхши кўрарди. Меваси пишиши билан шаҳарга боғ эгасининг ҳузурига териб олиб борарди. Бу гал ҳам боғ эгаси келтирилган олмадан ғоят хурсанд бўлди ва олма дарахтини кўчириб, шаҳардаги ҳовлисига ўтқазишни буюрди. Кўчирилган олма дарахти қуриб қолди. Очкўз боғ эгаси олманинг боридан ҳам маҳрум бўлди!

ХОТИН ВА УНИНГ ТОВУҒИ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТ

Баъзи очкўз кишилар топганига қаноат қилмайдилар. Бойлигига бойлик қўшиш учун ҳар қандай қабиҳ йўллардан юришга ҳам рози бўладилар. Натижада қўлида боридан ҳам ажралиб қоладилар. Бунга қуйидаги ҳикоят яхши мисолдир.

Бир хотиннинг товуғи бўлиб, у ҳар куни бир донадан тухум берар эди. Хотин ўзича ўйлаб: "Мен уни яхши парвариш қилмас эдим. Агар унга донни кўпроқ берсам, иккитадан тухум беради"! дедида, парваришни кучайтириб юборди. Семириб кетган товуқ иккита ўрнига аввалги битта тухумни ҳам бермай қўйди.

СЎФИДАН ТАНБЕҲ ОЛГАН МУНАЖЖИМ ҲИКОЯТИ

Баъзи кишилар ўз йўлида юриш ўрнига лозим бўлмаган ишларга ҳам бурнини суқаверадилар. Бировларнинг ишига аралашиб масалани баттар чалкаштирадилар. Бу билан ўзларига ҳам қийинчилик туғдириб оладилар. Қуйидаги ҳикоят бунга ёрқин мисолдир.

Бир мунажжим юлдузларга қараб, одамларнинг бахтидан дарак берарди. Бир куни у осмонга қараб кетаётиб, йўлдаги чоҳга қулаб кетди. У чуқур чоҳдан чиқолмай дод-вой сола бошлади. Йўлдан ўтиб кетаётган сўфи унга қараб: "Э, азиз, бошингга тушган бу балодан ибрат ол, юлдузга боқишни йиғиштир. Одамларнинг бахтидан, келажагидан хабар берувчи киши наҳот ўз келажагидан бехабар бўлса!", деди.

ОВЧИ ВА КАБУТАР ҲИКОЯТИ

Ўзгаларга азоб-уқубат ўтказувчи киши ўзи ҳам жазосиз қолмайди. Ўзгаларга сабабсиз зулм қилиш оқибати ҳалокатдир. Қуйидаги ҳикоят бунинг мисолидир.

Бир овчи дарахтда ўтирган кабутарни милтиқ билан отмоқчи бўлиб нишонга олди. Буни сезган кабутар қўрқанидан жойида қотиб қолди ва ўлим аниқ эканлигини сезиб, жонидан умид узди. Овчи энди милтиқ тепкисини босмоқчи эди оёғи остида турган илон ўз жонидан қўрқиб, овчининг оёғини чақди. Овчи ўша ондаёқ йиқилиб қолди. Фурсатни ғанимат билган кабутар парвоз қилиб қочиб қолди.

СУВ ИЧАЁТГАН КИЙИК ҲИКОЯТИ

Ҳар бир киши ҳаётда содиқ дўст топишга ва бундай дўстлар билан доимо алоқада бўлиб, дўстлик ипини узмасликка ҳаракат қилмоғи лозим. Чунки садоқатли дўстлар оғир кунларда ёрдамга келиб, кишининг оғирини енгил қиладилар. Тил учида дўстлик қилувчи хулқсиз ва ҳаёсиз "дўстлар" мурувват қўлини чўзмай, ўзини панага оладилар. Бунга қуйидаги масал мисол бўла олади.

Бир кийик булоқдан сув ичаётган эди. У ўз аксини булоқ сувида кўриб ўзича: "Қани энди, менинг оёғим ҳам мана шу дарахт танасидек бўлса! Ўшанда душманим ким бўлмасин барисига қарши уруша олардим", деб афсусланди. Ҳали у ўз ўйини тугатмаган ҳам эдики, ногоҳ овчи итларнинг товушини эшитди. У сакраб туриб, дала томон қочишга тушди. Итлар эса унинг ортидан қува бошлади. Кийик ўзини дарахтлар орасига урган эди, шохи дарахтлар орасига кириб қолиб, қочишга имкони қолмади. Овчи итлар етиб келиб, унинг қорнини ёриб ташлашди. Кийик жон берар экан, нола чекиб деди: "Оҳ, қандай аблаҳ ва бахти қора эканман! Дўстни душмандан айирмабман! Кўзимга ҳамма нарсадан маҳбуброқ кўринган шохим душманим бўлиб чиқди. Ёмон кўринган оёқларим эса ҳақиқий дўстим экан!".

ТОШБАҚА ВА ҚУЁН ҲИКОЯТИ

Аҳдида мустаҳкам ва барқарор турмайдиган, олдидаги мақсадни амалга ошириш учун бутун куч ва ғайратини сарфламайдиган бепарво ва лоқайд улуғ кишилардан кўра, доимо интилиш ва изланишда бўлган оддий кишилар афзалроқдир. Мана бу ҳикоятга қулоқ тутинг.

Тез рафтор қуён ва секин юрувчи тошбақа йўлда бир-бирларига дуч келиб қолдилар. Қуён тошбақага қараб: "Сендек ландовур ва хушёқмас жониворни умримда кўрган эмасман. Бир неча қадамли йўлни ҳам узоқ фурсатда босиб ўтасан. Мен бир неча фарсах йўлни бир онда босиб ўтаман!" — деди. Тошбақа: "Мени танбал деб таъна тошини отма. Одатим шу. Агар хоҳласанг сен билан чопишаман!"деди. Муайян бир жойни тайин қилдилар ва тулкини текширувчи қилиб қўйдилар. Қуён чез чопиб бориб, бир ерга етганда, ўзича: "Тошбақа узоқда қолиб кетди. Мен ҳозир мана бу тўнка устига чиқаман-да ухлаб ётган киши бўлиб тошбақани роса масхаралайман. У етиб келгач яна чопиб кетаман!", - деди-да, тўнка устига чўзилиб ухлаб қолди. Тошбақа у ухлаб ётган жойдан ўтиб кетиб, муайян манзилга ундан олдин етиб-келди.

Сўнгги давр, ривожланишнинг шиддат билан бориши, интеграциялашувнинг чуқурлашуви, турли миллат ва халқларнинг яқинлашуви барча соҳаларда бўлгани каби ушбу касалликлар ҳам ҳеч ким билмаслигини кўрсатмоқда.

Боғчалардаги ўйин заллари кўргазма учун эмас, болажонлар учун яратилган. Улар хоҳлаганларига ўйинчоқлардан фойдаланишлари керак.

Qonun va fuqaro

ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

11-мақола

Маълумки, бутун дунёда хавфли юқумли касалликларга, жумладан, одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишига қарши кескин кураш эълон қилинган. Бу бежиз эмас, албатта. Сўнгги давр, ривожланишнинг шиддат билан бориши, интеграциялашувнинг чуқурлашуви, турли миллат ва халқларнинг яқинлашуви барча соҳаларда бўлгани каби ушбу касалликлар ҳам чегара билмаслигини кўрсатмоқда. Бу соҳани махсус тартибга солувчи қонун "ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1991 йил 14 июнда қабул қилинганди. Кейинчалик 1999 йил 19 августда қонун мутлақо янгича шакл-шамойил ва номда қабул қилинди, яъни "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди ва бугунги кунда ушбу қонун амалдадир. Қонун 13 моддадан иборат.

Қонунчилигимиз амалиётида учраётган ўзига хос жиҳатлардан бири — қонунда ишлатиладиган асосий тушунчалар алоҳида моддада нормаланмоқда. Хусусан, ушбу қонуннинг 2-кодексида ҳам ана шундай асосий тушунчалар берилган. Унга кўра, ОИВ касаллиги — одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиққан ўта хавфли юқумли касаллик, ОИТС — орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, ОИВ касаллигининг терминал (сўнгги) босқичи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган ёки турган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар исм-шарифини сир сақлаган ҳолда, ихтиёрий равишда ОИТС/ОИВ касаллиги юққан-юқмаганлигини аниқлаш мақсадида аноним тиббий текширувдан ўтиш ҳуқуқига эгадирлар. Давлатнинг ўзи бу соҳада моддий, ижтимоий, ҳуқуқий кафолатларни беради.

ОИТС/ОИВ касаллигини юқтирган шахслар билан ўзига хос ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларда ОИВ касаллиги аниқланган тақдирда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши мумкин. Умуман, ушбу қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикасига келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, улар ўзларида ОИТС/ОИВ касаллиги йўқлигини тасдиқловчи сертификатни белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этганларида, Ўзбекистон Республикасига кириш учун виза берадилар. Шу маънода ўзида ОИТС/ОИВ касаллиги мавжудлигини билган шахснинг бошқа шахсни атайлаб шу касаллик вирусини юқтириш хавфи остига қўйиши ёки уни юқтириши муайян ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлади. Яъни, масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 57,58-моддаларда таносил касаллиги ёки ОИТС юқадиган манбани яширганлик, таносил касаллигига ёки ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши — энг кам иш ҳақининг икки баравaридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши нормаланган. Ёки Жиноят кодексининг 113-моддаси 4-қисмига кўра-била туриб, бошқа шахсни ОИТС касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИТС касаллигини юқтириш —беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланишга сабаб бўлади. Шунингдек, Оила кодексининг 17-моддаси 3-қисмига кўра, башарти, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки ОИТС инфекцияси борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни сўраб, судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Ушбу касалликлар билан боғлиқ тиббий муносабатлар шифокорлик сири ҳисобланиб, уни ошкор этганлик ёки ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаслик оқибатида шахсга етказилган зарарни қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Айни вақтда шуни эслатиш ўринлики, тиббиёт ходимлари улар хизмат вазифаларини бажаришлари чоғида ОИТС/ОИВ касаллиги юқса, бу — касбий касалликлар тоифасига киради.

Қонун ушбу касалликка чалинган шахсларнинг ҳамда улар оила аъзоларининг ҳуқуқлари, ижтимоий муҳофазасини ҳам нормалайди. Жумладан, энг муҳими, улар ўзларига инсоний муносабатда бўлинишини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бепул тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қилиши, 16 ёшга тўлмаганлар ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида давлат нафақасини олиш ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ногирон болалар учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу касалликка чалинган болаларнинг отаоналари ёш болалари билан стационарда бўлиш ва шу пайтда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини олган ҳолда ишдан озод бўлиб туриш ҳуқуқига эгадирлар.

Сўнгги сўз ўрнида айтиш мумкинки, бундай касаликка чалинганларни ушбу касаллиги мавжудлигига асосланиб, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш, уларни ишга қабул қилишда (айрим касблардан ташқари), таълим, тиббиёт муассасаларига қабул қилишдан бош тортиш, турар-жой ҳуқуқлари, шунингдек, бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш тақиқланади.

Дилрабо ЙЎЛДОШЕВА

ХОТИРАЛАР ТИЛГА КИРГАН КУН

Хотира — муқаддас туйғу. У инсонларни доимо эзгуликка чорлайди, ўтмишдан сабоқ чиқаришга ундайди. Таъкидлаш лозимки, ўтган аждодларимиз биз авлодларга ўзларидан кейин муносиб мерос қолдирдилар. Ҳаётимизнинг фаровонлиги, юртимизнинг тинчлиги йўлида нечанеча машаққатли йўлларни босиб ўтдилар. Шу боис ҳам уларни бугун қанча хотирласак, эъзозласак шунча оз. Юртбошимиз томонидан 9 майни "Хотира ва Қадрлаш куни" деб эълон қилиниши замирида ҳам ўтганлар руҳи покларини ёд этиш, кексаларимизни эса эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишнинг бир намунаси бўлди, десак муболаға бўлмайди. Бу ишларга ҳамоҳанг тарзда жорий йилимизнинг Қарияларни қадрлаш йили дея эътироф этилиши хонадонларимиз файзи бўлган пиру бадавлат бобою момоларимиз дуосига мойил бўлаётир.

Куни-кеча республика Халқ таълими вазирлиги томонидан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан юртимиз таълим тизимини ривожлантиришда кўп йиллар меҳнати синган нафақадаги ХТВ ходимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, мўътабар отахону онахонлар учун тўкин дастурхон ёзилди.

Самимий ўтган суҳбатлар чоғида хотиралар тилга кирди, юрт равнақини таъминлашга ҳисса қўшган мўътабар инсонлар номи яна бир бор ёд этилди. Учрашув сўнгида нуроийларимизга Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари, эсталик совғалари тақдим этилди.

МУХБИРИМИЗ

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

БОҒЧА БОРИНИ ЁХУД БОЛА НЕГА БОҒЧАГА ЙИҒЛАБ КЕЛАДИ?

Эрталаб болаларнинг боғчага боришларини кузатаман. Кимларнидир ота-онаси, кимларнидир опа-акалари кузатиб қўяди. Аксарият болажонларнинг кўзларида шашқатор ёш... Боғчага бормайман, деб оёқ тираганича, қайсарлик қилганию, шоколад олиб беринг деб хархаша қилгани қайси? Бу ҳолатни бир жиҳатдан табиий қабул қиламан. Чунки ёш боланинг ота-онасидан, айниқса онасидан кун давомида ажралиши улар учун қийин кечиши ва кўпам "кўзи ўрганмаган"ларга тўлиқ ҳолда эркин бўла олмаслигини яхши биламиз. Бу хусусиятлар кўпинча кичик гуруҳ тарбияланувчиларига хос. Ўрта ва тайёрлов гуруҳидаги болалар эса анча босилиб, танбеҳу дашномларга тушуниб қолишган. Уларнинг кўпчилиги уйдан кўра боғчани афзал билиб, норозиликларсиз ўзлари кетаверишади. Сабаби, ақлан ривожланиш ёшидаги бу болалар таълимий ва тарбиявий машғулотларда ўз ўрнини ҳис қила олади. Агар боғчага бормаса, уйда ёлғиз қолишинию, зерикишини ҳам билади. Шундай бўлишига қарамасдан, "ақли кириб қолган" бу болажонлар кўпинча боғчага боришдан бош тортишади.

Нега уларнинг боғчага боргиси келмайди?

Бу саволга холис жавоб топиш мақсадида турли мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган турли ёшдаги болалардан сўрашга ҳаракат қиламан.

БИРИНЧИ БОҒЧА

Эрта билан ойисини хуноб қилиб "боммиман-боммиман" деб йиғлаётган 3 ёшли Шаҳзодани овутган бўлиб, унинг ўзининг "тили"да нега боришни хоҳламаётганлигини сўрайман. Ҳўмрайганича жавоб бермайди. Шундан сўнг уни ўзимга яқинлаштиришга интилдим. Анчадан сўнг "ўртоқ" ҳам бўлиб олдик. Энди у менга бор гапларини айтадиган бўлди.

— Мен боғчани яхши кўйиман. Боғчадаги бола мени уяди. Ўйинчоғимни обқўяди. Биттагина боғча опам яхшила, Шаҳзодани уймангла, дейди...

Шунақами, дея бу нозик қизалоқдан атиги 5 ойлик катта бўлган, анчагина ўйинқароқ Жавлонга юзланаман.

— Йўқ, боғча опа мени чўп билан уради.

— Нега?

— Кийикчани синдириб қўйдим-да, кейин...

ИККИНЧИ БОҒЧА

Шаҳноза шанба ва якшанба кунларини ёмон кўради, чунки у икки кун боғчага бормайди-да. Бу гапларни Шаҳнозанинг ойисидан эшитиб ошириб юбормаётганмиканлар, деган хаёл билан ўрта гуруҳ тарбияланувчиси бўлган бу қизчанинг ўзидан сўрайман.

— Ростанам боғчани шунчалик яхши кўрасанми?

— Ҳа, агар мен боғчага бормасам, уйда битта ўзим зерикиб қоламан. Боғчага борсам, шеърлар, ўйнашни, инглизча санашни ўрганаман (йигирмагача инглизча санаб беради).

— Боғчага бир марта бўлса ҳам боргинг келмай қолганми?

— Ҳа, кўп кун боғча опам ўқиш-ма-шғулот тугагач, саволу сўроқларга кўмиб ташлайман.

— Қани, ким боғчани яхши кўради? — аввалига ҳамма индамай туради. "Юлдузча" гуруҳининг лидерлари ҳисобланадиган (тарбиячининг айтишича) Шаҳло, Сарвар, Ширин, Раҳматжонлар қўлини кўтаргач, барча болажонлар бараварига қўлларини кўтаришади.

— Энди ким боғчани ёмон кўради? — саволимнинг оҳангини тушунишди шекилли, тарбиячига кўзлари жовдираганича термулиб қолишди. Болажонлар билан ўзим холи қолганимда эса уларнинг аксариятининг гапларидан ўйинчоқлар билан ўйнашда чеклашлар бўлаётганини пайқадим. Вазиятни амалда ойдинлаштириш мақсадида болалар билан "ўйин зали"га ўтдим. Гир атрофга ўйинчоқлар тартиб билан териб қўйилган. Ёнимда турган катта, юмшоқ ўйинчоқни олиб Сардорга узатай десам, Зебо:

— Кешани(ўйинчоқнинг исми) Сардорга берманг, ёмон қилиб қўяди, — дея қаршилик кўрсатди.

— Қани, ҳаммаларингиз ўз ўйинчоқларингизни олинг-чи! — деган даъватимни эса болажонлар ҳайронлик билан қабул қилишди.

* * *

Бу каби манзараларни боғча ҳаётидан жуда кўплаб келтирса бўлади. Шу ва шу қатори ҳолатларга, боланинг нега боғчани хушламаётганлигини холис баҳолаш ниятида жараён иштирокчиларига мурожаат этдим.

Раҳима ҲИКМАТУЛЛАЕВА, руҳшунос:

— Ҳар бир ота-она, ўзига-ўзи мен бахтли ота-онаманми, деб савол бериши керак. Сўзсиз, фарзандимиз борлигининг ўзи чексиз бахт. Лекин бунинг ўзи етарлимикин? Боланинг келажагини ўйлаб иш тутиш ҳам бахтимиз, ҳам бурчимиздир. Ҳар бир ота-она ҳам оиласида болалари билан шуғулланиши учун ҳар доим вақт ажрата олмайди. Шунинг учун болаларнинг МТМда тарбия топишлари кўпроқ мақсадга мувофиқ, чунки бу ерда болалар ҳар тарафлама эътиборда бўлади. Боланинг жисмонан, ақлан соғлом бўлиши учун иш олиб борилади.

Юқоридаги ҳолатларга баҳо берадиган бўлсам, бола боғчага янги келган кунлари ўзгача муҳитга кўника олмай йиғлайди. Фикримча, бола боғчага 3 ёшидан келгани маъқул. 3 ёшгача бола ўз оиласи, ота-онаси тарбиясида яхши ривожланади. Боланинг боғчага келишидан олдин уни боғча ҳаёти, шарт-шароитлари билан таништириш, уни шу жараёнга тайёрлаш керак. Боғчага келганда эса гуруҳ тарбиячиси меҳрибонлик, қувноқлик билан, чиройли, ширин сўзлар айтиб қабул қилиб олиши, унга алоҳида эътиборли бўлиб, эркалаши лозим. Шу билан биргаликда қизиқарли машғулотлар ўтиб, уларни рағбатлантириб туришнинг аҳамияти катта. Атрофидагилардан, хафагарчиликлардан ҳимоя қилиб турилган бола боғча шароитига тез ўрганиб, йиғлашни ҳам билмай қолади.

Шу ўринда боғча болаларининг йиғлаб келиш сабабларини мен бир неча турга бўламан: 1. Тарбиячининг бола психологиясини билмаслиги ва ёш жиҳатларига кўра муносабат билдира олмаслиги ҳамда тарбиячининг ижодкор эмаслиги. Боғча ёшидаги болалар ташқи таъсирларга чанқоқ бўлади. Улар бир хилликдан зерикади ва боғчадан кўра ўз фаолиятини эркин намоён этадиган муҳитни қидиради. 3. Бола ота-онасининг, бувабувиларининг эркатойи бўлиб қолган. Ана шундай болаларнинг ҳам боғча шароитига кўникиши қийин кечади. 4. Баъзи бир болалар ота-оналаридан катта эътибор талаб қилиб, уларнинг меҳрига тўймайдилар. Шунақа тоифадаги болалар ҳам она бағридан ажралгиси келмайди. 5. Боғча раҳбари, яъни мудира ходимларни ишга олаётганда ўз касбига мойиллигини ҳисобга олмаган ҳолда, умуман, педагогикадан хабари бўлмаганларни тарбиячи лавозимига муносиб кўради.

Бу каби сабаблар мавжуд бўлмаган боғча боланинг биринчи уйига айланиши, табиий.

Лобар МУРОДУЛЛАЕВА, 2-боғча (шартли равишда) тарбияланувчиси Шаҳнозанинг онаси:

— Менимча, боғчада болага уйдагидек эркинлик берилмайди. Шунинг учун ҳам бола боғчадан безиб қолади. Ўзимнинг фарзандим икки ярим ёшлигида бир боғчага борарди. Мажбурлаб, йиғлаганича ташлаб кетардим. Шароит тақозоси билан икки ой ўтгач, бошқа боғчага бердик. Ўзингиз жавобини эшитганингиздек, шу қадар боғчани яхши кўриб қолганки, бунга фақат унинг тарбиячиси сабаб бўлган деб ўйлайман. Шаҳноза ҳар куни уйга янги нарса ўрганиб келади. Фикрлашлари ҳам ўртоқларининкидан (бошқа-бошқа боғчаларда тарбияланишади) фарқ қилади. Шундан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, боғчадаги муҳит болага ҳар томонлама таъсир қилади.

Нигора АСҚАРХЎЖАЕВА, боғча мудираси:

— Юқоридаги каби қувонарли ва салбий ҳолатлар мавжудки, боланинг боғчага келишни хоҳламаётганлигини табиий қабул қилмасдан, руҳият, ёш, боғча муҳитини ҳисобга олишимиз керак. Асосан кичик гуруҳ тарбияланувчилари боғчага йиғлаб келади, бунинг сабаби, оилада бола мустақиллигига эътибор бермаслик ва тарбиячининг тарбияланувчилар руҳиятини яхши тушуниб етмаслиги. Агарда бола ўрта ёки тайёрлов гуруҳида тарбияланаётган бўлса ва унинг боғчага келишга иштиёқи суст бўлса, яна уйдаги муҳитнинг таъсирини сезиш мумкин. Масалан, ота ёки она эрталаб болага қандайдир эътирозни билдирса ҳам кичкинтойда унинг асорати қолади ва юз-кўзларидан норозилик кайфиятини шундайгина англаб олса бўлади. Шунинг учун ҳам руҳшунос тестлари ва маслаҳатларидан болалар ҳам, тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам ўтиши энг аниқ усул ҳисобланади.

Мухлиса ОРТИҚОВА, тарбиячи:

Ҳақиқатан ҳам болаларнинг эркинлиги таъминланган жойда ижобий жиҳатларни кузатса бўлади. Боғчалардаги ўйин заллари кўргазма учун эмас, болажонлар учун яратилган. Улар хоҳлаганларича ўйинчоқлардан фойдаланишлари керак. Чунки ўйин боғча боласининг энг асосий фаолияти ҳисобланади. Энди болаларнинг уйқуни ёмон кўришига келадиган бўлсак, кичик гуруҳдагилар жисмоний қобилиятига нисбатан ҳаракатчанлиги кўп бўлганлиги ва уй шароитида ҳам деярли туш пайтида ухлатилганлиги учун боғчадаги уйқуга тез мослашади. Ўрта ва асосан катта гуруҳ болалари ухлашдан қочишади. Чунки уларда физиологик ривожланиш тез кечади ва шунга яраша куч сарфлашга интилишади. Яна бир жиҳати борки, уй шароитида бола кун тартибининг қатъий белгилаб қўйилмаганлиги. Хусусан, бола боғчага келмайдиган шанба ва якшанба кунлари ҳафталик жараён бузилади. Бола кун давомида ухламасдан кўчада ўйнайди. Иккинчи кунда ўрганиб қолинган муҳитдан боғча шароитига кўникиш ҳосил қилиш бирмунча қийин кечади. Ушбу ҳолатда боланинг ҳар доим ўйнаб ухлайдиган ўйинчоғини боғчага олиб келтириб ўз кроватига қўйиш самара беради. Гуруҳимда ўтказган тажрибага суянган ҳолда аниқ айта оламанки, энг уйқуни ёмон кўрадиган бола ҳам шу ҳолатда осонроқ уйқуга кетади.

* * *

Азиз ўқувчи, масалани холис қўйдик ва холис муносабатларни эшитдик. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, "Учинчи минг йилликнинг боласи" давлат дастурида белгилаб қўйилганидек, мактабгача таълим муассасаси энг серқирра фаолиятни ўзида мужассамлаштирган пойдевор ташкилот. Мактабгача бўлган ёшдаги болаларни парваришлаш эса ҳар хил ширин орзулар билан биргаликда машаққатли меҳнатни талаб этади. Орзуимиздаги соғлом, ақлан теран болалар тарбия топиши учун ҳар биримизнинг асосий диққат-эътиборимиз болаларга қаратилади. Зеро, бугунги эътиборимиз, эртанги жамиятимизни, ҳаётимизни бошқаради.

Насиба ЭРХОНОВА, "Ma'rifat" мухбири

ТУЙҒУЛАР ЖИЛВАСИ

Ўлкашунослик ёш истеъдод эгаларини тарбиялайди ва уларни комиллик сари етаклайди. Нурота туманидаги 2-ўрта мактабда фаолият кўрсатаётган "Ориентир" ўлкашунослик тўгараги аъзолари томонидан самарали қидирув ишлари амалга оширилаётганлиги бунга яққол мисолдир. Мазкур тўгарак аъзолари томонидан "Оқтов", "Дехибаланд" "Чашма" ва Нурота шаҳридаги "Нурбулоқ" чашмаси, "Чилустун" мачити мажмуаларини ўрганишда самарали натижалар қўлга киритилмоқда. Бундан ташқари, тўгарак аъзолари олиб бораётган ишлар мазмуни Нурота тоғ тизмалари ва чўл минтақаси табиатини ўрганиш ҳамда чўлланишнинг олдини олишга ҳам қаратилгандир. Иккинчидан, халқ амалий санъатини ва қадимий ёдгорликларни ўрганиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Тўгарак раҳбари Рустам Аҳмедов ўқувчиларнинг саёҳатга зарур бўлган малакаларини оширишга ҳаракат қилмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тўгарак аъзолари томонидан мунтазам равишда бошланғич илмий, амалий кузатувлар амалга оширилиб, дастлабки натижалар қўлга киритилди. Натижаларни таҳлил қилиш учун Самарқанд, Навоий шаҳридаги олий ўқув юртларининг тарихчи олимлари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ

АЖДОДЛАРИМИЗ ҚАҲРАМОНЛИКЛАРИ ЎҚУВЧИЛАР ҚАЛБИГА ЖО БЎЛСИН

Умумий ўрта таълим мактабларида тарбия масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бунда айниқса, тарих, маънавият асослари, Ватан туйғуси каби ижтимоий-гуманитар фанларнинг узлуксизлиги мақсадга мувофиқдир. Бунга бобокалонимиз Амир Темур фаолиятини ўрганиш мисолида адабиёт ва тарих фанларининг ўзаро боғлиқлиги ва узвийлигини айтишимиз мумкин. Маълумки, иккала фан ҳам ўқувчиларда миллий истиқлол ғояси, ўзликни англаш, ғурур каби фазилатларни шакллантиришда асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июнда "ЎзФА тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорнинг қабул қилиниши янги тарихни холисона ёритиш ва ўрганишнинг аниқ йўлини таъминлади.

ДТС асосида 5-синф "Ўзбекистон тарихидан ҳикоялар" ўқув дастурида соҳибқирон Амир Темур даврини ўрганишга 7 соатлик ҳикоялар берилган. 7-синфда эса "Амир Темур ва темурийлар давлати" мавзусига алоҳида боб ажратилган бўлиб, уни ўрганишга 11 соат ажратилган. Бу вақт ичида ўқувчилар XIV асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрда ижтимоий вазият, Амир Темурнинг болалиги, ўсмирлик даври, сиёсат майдонига келиши, ҳарбий ислоҳотлари, унинг "3 йиллик", "7 йиллик" юришлари, Ғарбий Европа давлатлари билан алоқалари, шунингдек, унинг давлат арбоби, буюк саркарда даражасига етиши, илм-маърифат ва маданият ҳомийси сифатида гавдаланиши, темурийлар сулоласи даврида ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар каби кўплаб жиҳатлари билан танишадилар. Шунингдек, 7-синф жаҳон тарихи курсида "Салиб юришлари ва унинг оқибатлари", "Русда феодал тарқоқлик ва чет элликлар босқини", "Усмонийлар империяси", "Осиё, Америка халқлари" бўлимининг "Ҳиндистон" мавзулари берилганки уларда ҳам Амир Темур фаолиятидан воқиф бўладилар.

Темурийлар даври ҳақидаги билимларни ўқувчиларга етказишда бадиий асарлардан ўринли ва унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, ўқувчилар адабиёт дарсларида олган тушунчаларини тарих дарсларида қўллай олиши ва аксинча тарихий маълумотларни адабиёт дарсларида фойдалана билиши муҳимдир.

Чунки:

— бадиий асарлар юқоридаги каби мураккаб тарихий мавзуларни осон ва енгил ҳазм этишга ёрдам беради;

— олган билимларини янада кенгайтиради;

— тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий тўқимасини қиёслаш кўникма ва малакаларини шакллантириб, ривожлантириб боради;

— мустақил ва танқидий фикрларини шакллантириб, тафаккурини кенгайтиради. Бунда айниқса, тарихий мазмундаги достонлар алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, тарихий дарсларда "Темур ва темурийлар даври" мавзусини утишда шу даврни тўла ифода этган "Едиге" номли тарихий достондан фойдаланиш кутилган натижани беради. Унда Амир Темур, Тўхтамишхон ва Амир Едиге муносабатлари ёритилган. Тарих дарсларида Соҳибқироннинг жасурлик, адолатпарварлик, элсеварлик, ватанпарварлик, бирдамлик сингари фазилатлари, яъни унинг ички маънавий дунёси билан ҳам чуқур танишадилар. Ушбу жараёнга алоҳида эътибор бериб, ўқувчиларнинг фаолликларига эришиш лозим. Бунда, синфдан ташқари ишларнинг ҳам ўрни беқиёс. Зеро, унда ўқувчилар:

тарихий достонларда воқеалар нечоғли ҳаққоний ифода этилганлигига;

тарихий шахсларга;

тарихий географик жойларга, этнографик жиҳатларга ва она тилининг ўзига хос бетакрорлигига, панд-насиҳатларга эътибор бериб, уларни қиёсий таҳлил этишларига ва танқидий фикрларининг вужудга келишига эришиш лозимдир.

Бунинг учун ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фан ўқитувчилари:

— нафақат ўзининг фани, балки "қўшни" фанлардан ҳам хабардор бўлиб, ушбу фанлардан ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларга қўйилган ДТС талабалари билан таниш бўлишлари;

— ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олишлари;

— бадиий ва тарихий ахборотларни ҳар бир дарсда такрорлашдан қочиб, уларни ўқувчиларнинг онгли равишда мустаҳкам эгаллаши учун ноанъанавий усулларни қўллаб, ахборотлардан ўринли ва моҳирона фойдаланишлари керак.

Юқоридаги ишларни амалга оширганимиздагина биз, Амир Темур, Амир Едиге каби миллий қаҳрамонларимиз фаолияти ва маънавий дунёсини ўқувчиларимиз онги ва қалбига жо этишга эришишимиз мумкин.

Замира ҚУРБОННИЁЗОВА, РТМ Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги инновацион бўлими услубчиси,
Жамила ТОШПЎЛАТОВА, Ижтимоий билимлар бўлими бош услубчиси

КАШМИРДА ЖАНГАРИЛАР ҲУЖУМИ

АҚШ давлат котиби ўринбосари Кристина Рокканинг Деҳлига ташрифи вақтида Жамму ва Кашмир штатидаги Ҳиндистон армияси базасига жангарилар ҳужум қилганлар. Натижада 17 нафар аскар ҳалок бўлган. Шундан сўнг расмий Деҳли Кашмирдан ўтадиган Покистон билан чегарадош ҳудудларидаги қўшинларини юқори жанговар ҳолатга келтирди. Шунингдек, Ҳиндистон ҳукумати Покистоннинг ислом экстремистларини қўллаб-қувватлашни тўхтатмаётганлигидан норози.

Кристина Рокка ташрифидан мақсад эса, расмий Деҳли ва Исломобод ўртасида юзага келган кескинликни бартараф этиш эди. Зеро, Кристинанинг бу ташрифи унинг сўнгги уч ой ичидаги учинчи ташрифи саналади.

ХАТТОБНИНГ НАВБАТДАГИ ҚОТИЛИ ТАҚДИРИ



Чеченистонда доғистонлик Иброҳим Алаури саудиялик Хаттобни ўлдиришга ҳаракат қилишда ва Доғистон разведкаси билан ҳамкорлик қилишда айбланиб жангарилар томонидан отиб кетилган. Бу ҳақда Қатар ахборот агентлиги хабар берар экан, 32 ёшли Хаттоб айнан доғистонлик аёлга уйланганлигини маълум қилади. Хаттобнинг ўлими ҳақида авваллари ҳам хабарлар тарқалган бўлиб, энг сўнггиси 11 апрель куни айтилган эди. Ҳозирда унинг жангариларининг сони 1,5 минг нафарни ташкил этади.

ҲАДЕМАЙ, ЯНГИ ЭРА ОЧИЛАДИ

Президент Бушнинг айтишича, Москва ва Вашингтон ўртасида ядро қуролларини қисқартириш ҳақидаги келишув Москвада ўтказиладиган мазкур икки давлат саммитида имзоланади.

— Қачонки Россия президенти Владимир Путин билан ушбу шартномани имзолаётган чоғимизда икки давлат муносабатларида янги эра очилади, — деди Жорж Буш. Ҳозирда Россия ва АҚШда 6 ва 7 мингтадан ядро қуроллари бўлиб, афтидан улар сони 1700-2200 тагача қисқартирилади, дея хабар беради Lenta.Ru.

БЕШ НАФАР ЖАНГАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Афғонистондаги америкалик ҳарбийларнинг навбатдаги операциялари чоғида Толибон ва "Ал-Қоида"нинг 5 нафар жангариси йўқ қилинди ҳамда 32 нафари ҳибсга олинди. Ушбу операция Қандаҳор шаҳридан 80 км шимолдаги Дех-Равод қишлоғида ўтказилган бўлиб, америкаликлардан ҳеч қандай йўқотиш кузатилмаган. "Қўлга туширилган жангариларнинг барчаси Баграм аэропортидаги махсус базага олиб келинганлар" — дейди капитан Стивен О.Коннор. Шунингдек, катта миқдордаги қуроллароғ омбори ҳам ўзлаштирилган, дейилади "Асосшиэйтед Пресс" агентлиги тарқатган хабарда.

ВАЗИРНИ КАЛТАКЛАБ КЕТИШДИ

Рамаллоҳ шаҳрида Фаластин миллий маъмуриятининг нодавлат ташкилотлар билан ишлаш бўйича вазири Ҳасан Асфур ўз уйи ёнида ниқоб тақиб олган 5 нафар номаълум кишилар томонидан калтаклланган. Вазир бошидан олган жароҳати туфайли шифохонага ётқизилган.

Ҳасан Асфур Исроил ҳудудларида террор ҳуружларини амалга ошираётган экстремистик гуруҳларга қарши чиққан эди. ФАТХ ҳаракати вакили Ҳусайн ас-Шайх эса Ёсир Арофат жиноятчиларни топиб жазолаши кераклигини айтган.

КАРТЕРДА ЕТАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР ЙЎҚ



Айни вақтда Гаванада турган АҚШнинг собиқ президенти Жеймс Картер биотехнологик лабораторияга ташриф буюрди. Бундан мақсад Кўшма Штатлар томонидан биологик қуроллар ишлаб чиқариш ва бу борадаги технологияларни четга сотиш борасида Куба номига қўйилаётган айбловларга ойдинлик киритиш эди.

АҚШ ҳукумати эса Картернинг бу борада етарли маълумот тўплай олмаганлигини маълум қилди ва ўз айбловини яна бир бор такрорлади. Картер жума куни тугайдиган сафари мобайнида мамлакатдаги тинчлик, инсон ҳуқуқлари ва демократия масалалари борасида музокаралар олиб боради.

"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАМ МЕЗБОН, ҲАМ ИШТИРОКЧИ

Меҳмон истиқболига очиқ чеҳра, самимий эҳтиром билан пешвоз чиқиш, унинг ҳурматини ўрнига қўйиб, хуш-хурсандчилик билан кузатиш халқимизнинг азалий удуми. Бу умрбоқий анъанага садоқат "Универсиада-2002"га мезбон сифатида ҳозирлик кўраётган Бухоро Давлат университетида амалга оширилаётган ишлар тимсолида ҳам яна бир карра ўз ифодасини топмоқда.

Бир ҳафтадан кўпроқ муддат давом этадиган катта спорт байрамига ташриф буюриши кўзда тутилаётган меҳмон ва иштирокчиларнинг тенг ярмидан ортиғи — 1572 нафарини БухДУ ўз бағрига олади. Бунинг устига уларнинг дам олишлари, овқатланишлари, мусобақага борибкелишлари, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, меъморий обидаларини томоша қилишлари учун яратиладиган қулайликлар ҳам университет жамоатчилиги зиммасига тушиши назарда тутиладиган бўлса, амалга оширилган ишлар кўлам ва салмоғи янада ортади.

— Катта тадбирларни ўтказиш учун узоқ тайёргарлик керак, — дейди БухДУ ректори, ЎзФА академиги Комил Муқимов. — Биз аввало, "Универсиада-2002" меҳмонларини кутиб олиш, маданий-маиший хизмат кўрсатишдек масъулиятли вазифанинг асосий қисми зиммамизга юклатилганидан ниҳоятда хурсандмиз. Негаки, улкан спорт анжумани баҳонасида олийгоҳимизнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди, катта ҳажмда таъмирлаш, жиҳозлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Дарҳақиқат, "Универсиада-2002" иштирокчилари яшаши учун олий масканнинг 4 та ётоқхонаси меҳмонхоналар билан беллашадиган даражада таъмирланиб, замонавий, юқори сифатли юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, кўрпа-тўшак, чойшаблар билан жиҳозланди. 800 ўринли ошхона бутунлай янгича қиёфага киритилди.

Албатта, юқорида айтилган барча юмушлар давлат маблағлари ҳисобидан бажарилган. Лекин бу жараёнларга аввало хайриҳоҳ, ишга виждонан мносабатда бўлинган тақдирдагина режалаштирилган тадбирлар ўз вақтида, юқори сифат ва юксак дид билан амалга оширилишини теран ҳис этган "Универсиада-2002"га тайёргарлик штаби масалага ўта талабчанлик ва масъулият билан ёндашди.

"Universiada —2002"

— Ҳар кун ниҳоясида қилинган ишларни атрофлича таҳлил этиб, эртанги кунга аниқ вазифалар белгилаб олинади ҳамда юзага келган муаммоларнинг ечимини биргаликда излаймиз. Зарурият туғилганда вилоят ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига мурожаат этамиз —дейди тайёргарлик штаби бошлиғи, агрономия ва қишлоқ хўжалик асослари факультети декани К.Умаров. Шунингдек, 9-15 кишидан иборат 13 та комиссия тузилиб, уларга проректорлар, факультет деканлари масъул қилиб белгиланган. Ҳар бир гуруҳ аниқ иш режасига эга бўлиб, меҳмонларни темир йўл вокзали, тайёрагоҳ, автобус бош бекати ва вилоят ҳудудига кираверишда кутиб олишдан тортиб, ётоқхоналарга жойлаштириш, тинчлик-осойишталикларини таъминлаш, кун тартиби бўйича барча тадбирларни ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтказишгача ҳисобга олинган.

Бундан ташқари, барча мусобақалар видео тасвирга тушириладн ва ҳар оқшом ётоқхоналарда меҳмонлар учун университет телетармоғи орқали қайта намойиш этилади. Универсиада кунлари кечки пайт ётоқхоналар қизиқарли ва турли-туман оммавий-маданий тадбирлар масканига айланади. С.Айний номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри меҳмонлар учун 5 та спектакль намойиш этилади. Бадиий ҳаваскорлар концертлари уюштирилади. Шунингдек, бухоролик фан арбоблари, ёзувчи ва шоирлар меҳмонлар ҳузурига ташриф буюришади. Машҳур спортчилар, жаҳон ва олимпиада чемпионлари билан учрашувлар ташкил қилинади.

Зеро, БухДУ мезбон сифатида кутиб олишдан ташқари, унинг 16 жамоаси баскетбол, футбол, қўл тўпи, енгил атлетика бўйича "Универсиада-2002" мусобақаларида қатнашди.

Гарчи, бухороликларнинг мусобақаларда қўлга киритажак ютуқлари қандай бўлишидан қатъий назар, "Универсиада-2002" унутилмас таассурот ва қизиқарли тафсилотларга бой дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва бетимсол спорт байрами сифатида олийгоҳ талабалари қалбларига муҳрланиб қолади.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

"УМИД НИҲОЛЛАРИ"ДАН "УНИВЕРСИАДА"ГА

XXI асрнинг иккинчи йили ўзбек спорти тарихида ёрқин хотиралар қолдирмоқда. Боиси, Кадрлар тайёрлаш миллий моделига асосан ташкил этилган узлуксиз ва узвий спорт тизимининг икки босқичи, яъни мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" ва олий ўқув юртларининг "Универсиада" спорт ўйинлари ўтказилиши юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Олимпия шон-шуҳрати музейида "Умид ниҳоллари" якуни ва "Универсиада"га тайёргарлик борасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Аввало, шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, мактаб ўқувчиларининг мусобақалари кутилгандан зиёд натижа берганлиги анжуман қатнашчилари томонидан эътироф этилди. Ва келгуси йили Хоразмда бўлажак мусобақада Фарғонада йўл қўйилган камчиликлар такрорланмаслиги ҳақида келишиб олинди. Шундан сўнг, "Универсиада" тадориги тўғрисида маълумотлар тингланиб, ташкилий қўмита аъзолари оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Дарвоқе, шу куни "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг ёритилишида фаол иштирок этган оммавий ахборот воситалари ходимларига Халқ таълими вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотларнинг махсус совғалари берилди. Анжуманда ташкилий қўмита раиси, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов иштирок этди.

"ҚУВНОҚ СТАРТЛАР"

Мактаб ўқувчиларининг XIX Республика "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақаларининг саралаш босқичлари бошланганига тўрт ойдан ошди. Бу муросасиз беллашувларда мағлубият нималигини билмай келган жамоалар ярим финалга чиқишган эди. Пойтахтимиздаги 110-мактаб спорт залида Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги 50-мактабнинг "Олимпия" ва Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги 4-мактабнинг "Орзу" жамоаси ўртасида ярим финал мусобақаси бўлди.

Мусобақанинг биринчи шартларига кўра, "Олимпия" жамоаси чаққон ҳаракат қилиб, 3 очко соҳиби бўлди. "Орзу" эса 1 очко олди.

Иккинчи беллашувда ("Эстафета таёқчаси") "Орзу" жамоаси ғалаба қозониб, очколар тенглашди. (4-4)

Дастурнинг учинчи учрашувида ("Қирқ тош") ҳар иккала томондан эстафета қоидасига қатъий риоя этилмагани учун ўйин такроран ўтказилди ва дуранг (2-2) натижа қайд этилди.

Навбатдаги ўйинда ("Ўн беш тўп") "Олимпия" жамоасига 2 очко, "Орзу"га 1 очко берилди. "Чаққон қиз" конкурсида жиззахлик қиз ғолиб чиқиб, яна очколар тенглашди (8-8), олтинчи учрашувда ("Ўрин алмашиш") ҳам "Орзу" ютуққа эришиб, 11-9 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Қолган тўрт учрашувдан биттасида ("халқалар оралаб") дуранг (2-2) натижа қайд этилди ва "саватдан саватга", "халқали эстафета" ўйинлари ҳамда "ким олдин" конкурсида яна "Орзу" жамоаси вакиллари муваффақиятга эришишди.

Қизғин ва муросасиз курашда маҳорат ва ғалабага бўлган ирода кучини намойиш этган Жиззах вилояти спортчилари 20-13 ҳисобида ғалаба қозониб, финалда чемпионлик учун курашадиган бўлишди.

Ғ.МАННОПОВ

Jarayon

КАФЕДРАЛАР ЎН КУНЛИГИ САМАРА БЕРМОҚДА

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган ЎМКҲТ тизимидаги бугунги муваффақиятлару ютуқлар давлатимиз иқтисодий ривожланиши, малакали ва истиқболли кадрлар тайёрлаш масаласи, таълим борасида давлат сиёсати, миллий мафкурамиз асослари билан уйғунлашиб кетмоқда. Ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, айни кунда янгидан ташкил этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари олдида комил инсонни вояга етказиб, шакллантириш, юртимиз учун ҳар жиҳатдан рақобатбардош малакали кадрлар тайёрлаш каби долзарб масалалар турибди.

Иқтисодиёт йўналишидаги таълим муассасалари консорциуми раиси, иқтисод фанлари номзоди Валиқул Бердиқулов раҳбарлик қилаётган Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежида бу борада ибрат олса арзигудек ишлар қилинмоқда.

Бугун нафақат вилоятда, балки республикада катта нуфузга эга мазкур коллежда мамлакат иқтисодиёти учун молия, банк иши, ҳисобчилик, хўжалик фаолияти ҳуқуқи, маркетинг, солиқлар ва солиққа тортиш йўналишларида кичик мутахассислар тайёрланиб келинмоқда. Бу ерда таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос, ноанъанавий усулларда ташкил этилаётганлиги диққатга сазовордир. Ҳар бир талабага танлаган мутахассислигига оид сабоқлар бериш баробарида уларнинг онгига касбга меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириб бориш учун колледжда турли хил иқтисодий ишбилармонлик ўйинлари ва жонли мисоллардан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса, ўз ўрнида талаба-ёшлар интеллектининг ўсишига, тафаккур оламининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

— Коллежимизда 8 та фан кафедралари фаолият кўрсатмоқда, — дейди биз билан суҳбатда коллеж директори Валиқул Облоқулов. — Ҳар бир кафедра мунтазам равишда фан ҳафталикларини уюштириб келмоқда. Талабаларимиз бир ҳафта мобайнида ана шу ҳафталикларда фаол қатнашади. Натижада янги-янги номлар кашф этилмоқда. Бундан ташқари, илм даргоҳида кафедралар ўн кунлиги ҳам тез-тез ташкил этилиб турилади. Бундай тадбирларда олдиндан тасдиқланган режага асосан ноанъанавий очиқ дарслар, тарбиявий соатлар, иқтисодиётга оид қизиқарли тадбиркорлик ўйинлари ва талабалар беллашувлари ўтказилади. Ана шундай очиқ дарслар, давра суҳбати ва ўйинларнинг турли ташкилот ва корхоналарда, жумладан, "СамКочАвто" қўшма корхонаси, акциядорлик тижорат Пахтабанк бўлимлари, Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармасида ўтказилаётганлиги яхши самара бермоқда.

Коллежда ўтказилаётган фан декадаларини бошқа коллежлардан келган мутахассислардан ташқари, ота-оналар ҳам мунтазам кузатиб бормоқда. Улар фарзандларига қай даражада билим берилаётгани, талабаларнинг муайян фанни қандай ўзлаштираётганидан бохабар бўлмоқда.

Мазкур ноанъанавий тадбирларда талабаларнинг дарсга қатнашиши, машғулотлардан бўш вақтлардаги бандлиги, шунингдек, яшаш шароитини ҳам атрофлича ўрганиш кўзда тутилади. Асосий эътибор эса фанлар бўйича ўқитувчиларнинг очиқ дарсларига қаратилмоқда. Бу сабоқлар жараёнида ўқитувчиларнинг ўзига хос услубда, бир-биридан фарқли равишда ижодкорона руҳда билим бериш даражаси баҳоланаяпти. Жумладан, табиий фанлар кафедраси ташкил этган ўн кунликда 15 нафар ўқитувчи очиқ дарсларда замонавий педагогик технологиялар асосида ўз билим ва тажрибаларини намойиш этдилар. Ётоқхоналарда эса давра суҳбатлари уюштириб, фанларни ўзлаштиришда қийналаётган талабалар билан алоҳида машғулотлар ўтказдилар. Мақсад — ўқитувчиларнинг билимини чуқурлаштириш, замонавий педагогик усулларни тарғиб қилиш, улар онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантиришдан иборат эди. Шунинг учун гуруҳларда ташкил қилинган тарбиявий соатлар ҳам бевосита кузатувчилар, ота-оналар иштирокида ўтказилди. Фанлар бўйича ишлаб турган тўгараклларда эса физик ва химик масалаларни ечишнинг содда йўллари, дарсларни ўзлаштиришнинг янги усуллари амалда кўрсатиб берилди. Бир сўз билан айтганда, дарс машғулотларига ҳам, тўгараклар ишларига ҳам ижодий ёндошилди. Ўн кунлик биринчи босқич талабаларининг "Мен туғилиб ўсган юрт" мавзуидаги тарбиявий соати билан якунланди.

Хуллас, ўн кун давомида табиий фанлар бўйича олимпиада уюштирилиб, талаба-ёшлар кўтарилади, тажрибаси ортади. Шунинг учун бу тадбир бошқа коллежларда ҳам ўтказилмоқда. Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежи эса бу борада пешқадам бўлмоқда. Энг асосийси, мазкур тадбирлар ота-оналар иштирокида ўтмоқда. Бу ўз навбатида, ота-оналарда ҳам масъулият ҳиссини кучайтиради, улар фарзандининг қандай билим олаётганидан хабардор бўлади, назорат қилиб боради. Ўз фикр-мулоҳазалари билан таълим такомилига ҳисса қўшади, фарзандининг чуқур билим олишига кўмаклашади. Зеро, фарзанд тарбиясида ўқитувчи ҳам, ота-она ҳам баббаравар масъулдир.

Жумагул СУВОНОВА,
Самарқанд вилояти ЎМКҲТ бошқармаси матбуот котиби

DIQQAT CHORRAHA

Биз тезкор замонда яшаймиз ва ҳар бир кунимиз транспорт воситаларидан фойдаланиш билан ўтади. Зеро, шундай экан, истаймизми-йўқми ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига доимо риоя қилишимиз шарт.

Республикамизда жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари 543 та деб қайд этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда 100 та камдир. Яъни, бу йил ҳалок бўлган болалар 63 нафарни, жароҳатланганлар 494 нафарни ташкил қилди. 2001 йилда эса жароҳатланганлар 590, вафот этганлар эса 78 нафар эди.

***

Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари камайган бўлса-да, афсуски, айрим вилоятларда улар сони юқорилигича қолмоқда. Андижон вилоятида жорий йилнинг тўрт ойи давомида 84 та автоҳалокат содир бўлган. Бу 2001 йилнинг худди шу даврига қараганда 12 фоиз кўп демакдир.

Худди шундай салбий ўсишни Қашқадарё вилоятида ҳам кузатиш мумкин. Яъни бу йилги 34 та транспорт ҳалокати туфайли 12 нафар болакай вафот этган, 25 нафари турли даражада тан жароҳати олган. 2001 йилда эса 7 нафар бола ҳалок бўлиб, 23 нафари жароҳатланганди.

***

Ижобий жиҳатлар Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кузатилди. Жумладан, Жиззах вилоятида тўрт ой давомида 5 та (ўтган йилнинг шу даврида 12 та эди) ҳодиса болалар иштирокида бўлган бўлса, Сирдарё вилоятида бу рақам 7 тани ташкил қилди (ўтган йили 18 та ҳодиса бўлганди).

***

Мисолларга мурожаат қиламиз.

8 март куни соат 18-00 лар атрофида Ҳазорасп тумани Дўстлик ширкат хўжалигида яшовчи, ишламайдиган, 1969 йилда туғилган Давлатёр Исмоилов хотини Инзор Исмоиловага тегишли «NEXIA» русумли давлат рақам белгиси 22G 4349 бўлган автомобилини ишонч қоғози билан 4Р 156 Урганч-Ҳазорасп йўлининг 20-км.да бошқариб бораётиб, Хонқа тумани Ўзбекистон ширкатлар хўжалигида яшаган, 1997 йилда туғилган Муҳайё Отажоновани уриб юборган. Натижада, М.Отажонова касалхонада вафот этган.

Фарғона вилояти Учкўприк тумани Қашқар қишлоғида яшовчи, 1978 йилда туғилган Қобилжон Юлдашев шахсий «ТИКО» русумли, давлат рақам белгиси 15 F 5562 бўлган автомобилини бошқариб бораётиб, Оқчангал қишлоғида яшаган, 1933 йилда туғилган Л.Исомитдинова ва шу қишлоқда яшовчи, 45-ўрта мактабнинг 2-синф ўқувчиси, 1994 йилда туғилган Омадилло Субҳоновни уриб юборган. Оқибатда пиёда аёл вафот этган, О.Субҳонов эса тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.

10 март куни соат 14.30лар атрофида Қарши шаҳар Қизил масжид кўчаси 34-уй рўпарасида Оқсарой кўчаси 42-уйда яшовчи, 1964 йилда туғилган Жаббор Набиев шахсий «ВАЗ-2105» русумли, давлат рақам белгиси 18А 2044 бўлган автомобилини бошқариб бораётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда, Қарши тумани Батош қишлоғида яшаган, 1997 йилда туғилган Рустам Имомовни уриб юборган. Натижада Р.Имомов тан жароҳати олиб касалхонада вафот этган.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Май ойининг сўнгги кунларида ўқувчилар ёзги таътилга чиқишади. Уларнинг бўш вақти яна ҳам кўпаяди. Ўйлаймизки, ота-оналар, муаллимлар, фарзандларимизнинг ҳаёти учун масъул бўлган барча инсонлар уларга йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидаларини доимо ўргатиб, тушунтириб боришади.

Республика ИИВ ЙХХ Бош бошқармаси хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент шаҳри, Сирғали туманидаги "Феруза—ДМ" МЧЖ (ОКПО бўйича коди 15310025) **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида **58—74—98** телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

Тошкент Давлат юридик институти томонидан ШОКИРОВ ИЛҲОМ ХУРРАМОВИЧ номига 1996 йилда берилган № 134308 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Самарқанд вилоят педагогик ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси институтнинг "Жисмоний маданият, санъат, меҳнат таълими" кафедраси мудири, доцент Баҳриддин Мурановга волидаи муҳтарамаси

Насибали МУРАНОВА

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юрти кутубхонаси ходими Каромат Исмоиловага волидаи муҳтарамаси

БАШОРАТ АЯнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тундек сочларининг жамалагига Қани толбарг бўлиб қололсам!

Лекин кўнилга нима келса, шуни қиладиган хонимлардан бири эри билан ажрашгандан сўнг, қизлик фамилиясига ўтиш ўрнига, ўз фамилиясини машинага ўзгартирди.

Анъанавий ижодкор ўқитувчилар анжумани бу йил Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида 19—21 май кунлари бўлиб ўтади.

Сўз санъатига ошно тутинган муаллимлар мушоираю, ижодий гурунгларда иштирок этишади. Анжуман якунида энг яхши деб топилган ижод намуналари тўплам сифатида чоп этилади.

Анжуман иштирокчилари бир гуруҳи ижодидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

ҚУНГИЛ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

МАЖНУНТОЛГА АЙТСАМ

Ҳу ана мажнунтолнинг тагида
Бир гўзал суйганин интиқ кутади.
Юзлари анору лаблар лоладек,
Тундек сочларини майда ўради.
Мажнунтол лолдир қизнинг ҳуснига,
Шу боис эгилди қадди ўшани.
Барглари шивирлар ўз шевасида,
Билмам сўзлаётир қизга нимани.
Мен ҳам мажнунтолга айланиб,
Гўзаллар қошига соя сололсам.
Тундек сочларининг жамалагига
Қани толбарг бўлиб қололсам!

Шуҳрат САИДҚОСИМОВ,
Фориш туманидаги
18-мактаб ўқитувчиси

САБР

Сиз билмаган ерга етди қадамим
Кўрдим яхшиларни, кўрдим ёмонни.
Яна қаршингизда ҳозир бўлдим мен,
Тополмай Сиздайин сирдош инсонни.

Кўнгил осмонидан ёғди паға қор,
Кўзларимдан бирам қуйилди-ей ёш.
Юрагимни чок-чок этдим шу кеча,
Ҳеч кимда йўқ экан Сиздайин бардош!

Қушларни ҳайдадим ошёнларидан,
Дедилар: "Бизнинг уй фақат биттадир!"
Аламзада эдим ҳижрон ўтидан,
Ўзингизда экан жамики САБР!

Ёрқиной АСРОНОВА,
Жалақудуқ туманидаги
7-мактаб ўқитувчиси

СОҒИНЧДАН СЎЙЛАЙДИ ПУШТИ ЯЛПИЗЛАР

Илоҳий нур ёғилар кўкдан,
Майсаларнинг руҳи инграйди.
Кимнинг кимга зорлигин билмай,
Севги —
Зангори боғларда йиғлайди.

Ғам тунин ёритар умид гуллари,
Вафо оятини ўқийди кўнгил
Юракдан учади ишқ кабутари,
Севги —
Соғинч суратини куйдиргучи дил.

Жисмимни қучади пок фаришталар,
Ёмғирлар йиғлайди кўзларида нур.
Очилар фироқнинг сўқир кўзлари,
Севги —
Зайнабнинг қабрида сўлиган бир гул.

Зулматга айланар ёқутранг кунлар,
Ғанимнинг қўлида кўтарилган тош.
Умримнинг фироқли кошонасида
Севги —
Кўзларимда қотиб қолган ёш.

Мен ўлган бўламан, сен яшар жойда,
Эй, мени доимо таъқиб этар кўз
Мени аламларнинг бағрига ташлаб,
Севги —
Ўзлигимни олиб кетган куз.

Маъсум ёлғизликнинг бағрига сингиб,
Юрагини поклаб ажиб ҳис.
Жойнамоз устида бошини эгиб,
Севги —
Ўксиб-ўксиб йиғлаётган қиз.
Севги...

Замира ТЕМИРОВА,
Каттақўрғон туманидаги
61-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Мусаффо осмон ва табиат манзараси уйғунлиги.
Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат-лавҳа

* * *

Ватан, сенсан менинг жоним,
Орзуларим ошёни.
Хаёлларга изн бермас
Гўзалликнинг макони.

Сенсан менинг дардли қалбим
Аллалаган юпанчим.
Юрагимга меҳр жойлаб,
Армонларим йўқотган.

Сен онасан, фарзандларин
Довруғини таратган.
Етти иқлим дарвозасин,
Эзгуликка қаратган.

Сен Навоий, Темурларга
Волидасан, меҳрибон.
Илму урфон уммонига
Бел боғлаган ҳар қачон.

Ватан, сенсан менинг жоним,
Орзуларим ошёни...

Наргиза ЭРГАШЕВА,
Қумқўрғон туманидаги
2-мактаб она тили
ва адабиёти фани ўқитувчиси

ВАТАН БАЙРОҒИ

Аждодлар кўтарган муқаддас ялов,
Сенга боқаману тошар ифтихор.
Қанча жанглар кечдинг, қанча ўт-олов,
Сен ҳаётсан, сен нажотсан, номус-ор.

Қуёшдай ҳаётбахш, Тўмарис она,
Сен билан жангларга кирди мардона.
Ёвуз душманини бўктирди қонга,
Ҳурликни асради, бурканди шонга.

Спанта қўлида мағрур ҳилпираб,
Юнон мақдунларнинг ҳолин қилдинг танг.
Темурбек байроғин кўрса қалтираб,
Душман таслим бўлган қилмасидан жанг.

Мўғул галалари олганда ўраб,
Жалолиддин учун сен бўлдинг қанот.
Шайх Нажмиддин Кубро дастида ушлаб,
Элим деб, юртим деб жон берди, ҳайҳот!

Бугун ҳилпирайсан мовий, яшил, оқ,
Ватан қўрғонида, жаҳон уйида.
Юлдузинг нур сочар оламга порлоқ,
Мағрур товланасан Ватан тўйида.

Қўчқор КЎЧИМОВ,
Қамаши туманидаги
15-мактаб ўқитувчиси

АЁЛ

Момо ҳаво нури ёққан
Шарофатли аёлсиз.
Давру даврон йўлдошингиз,
Шарофатли аёлсиз.
Дўсту шогирдлар ичида
Шаҳодатли аёлсиз.
Гўзалликда тенгингиз йўқ,
Назокатли аёлсиз.

Ҳам иболи, зебо, дилбар,
Нафосатли аёлсиз.
Рўзғорда бекаму кўст,
Барокатли аёлсиз.

Феруза САЙФУДДИНОВА,
Хатирчи туманидаги
10-мактаб ўқитувчиси

ЮРАГИМГА

Ҳаёт — улкан пойга, бешафқат пойга,
Қоқилсак, қум каби тўзиб кетамиз.
Оғрикдан музламай тургил юрагим,
Биз ҳали ҳаммадан ўзиб кетамиз.

Ҳали томирларда нурлар оқажак,
Қамчи эмас, гуллар тутажак қўлим.
Қирқига чидадик, қирқ бири — марра,
Бизга етолмаса бўлгани ўлим...

Нафиса РАҲМОНОВА,
Чирчиқ шаҳридаги
18-мактаб ўқитувчиси

БЎР

Рангим гўёки қаймоқ,
Пахтадек бўламан оқ.
Сиз учун иззатдаман,
Лек қўрқаман латтадан.
Мени олиб қўлига,
Ёзар тахта йўлига.
Қўйса мени ўрнимга,
Ўжар болалар олди.
Муаллим кўрмасин деб,
Дарров чўнтакка солди.
Бўлди чўнтаги оппоқ,
Лозим чўнтакни қоқмоқ.
Қоқиб отди ахлатга,
Керакмас мен Аҳмадга.
Қадримни билингизлар,
Эй, доно ўғил-қизлар.
Мен ҳам керак бўламан,
Яхшига дўст бўламан.

Насиба ҚОДИРОВА,
Термиз шаҳридаги
2-мактаб ўқитувчиси

ЎЙҒОНИШ

Эсламоққа топмасдим фурсат,
Ўйларимдан буткул эдинг ёт.
Оққушларга айланиб тунда,
Сени бўзлаб йўқлади ҳаёт.
Шу дам мени асир этди ул,
Чиқолмайин қолдим измидан.
Ёдинг билан уйғонди ҳислар,
Юрагимнинг кемтик қисмида.
Эрта кулган баҳормидинг сен,
Ифорлари муаттар насим.
Қишда оппоқ умид ундирган,
Куртакларда гуллар ҳавасим.

Дилдора ПЎЛАТОВА,
Юнусобод туманидаги
274-мактаб ўқитувчиси

АРМОН

Шамолларга айланиб қолсам,
Кириб борсам ҳовлинг, уйингга.
Юзларингдан бўсалар олсам,
Безовталик солсам ўйингга.

Мен қушларга айланиб қолсам,
Бориб қўнсам теракларингга.
Наволарим билан ҳар саҳар
Туғён солсам юракларингга.

Майсаларга айланиб қолсам,
Кўрсам мудом хуш чоғларингни.
Боғинг аро кезганинг маҳал
Ўпиб турсам оёқларингни.

Япроқларга айланиб қолсам,
Йўлларингга турсам кўз тикиб.
Ишқ қаҳрабо қилган танимни
Сен бағрингга боссанг энтикиб.

Дарахтларга айланиб қолсам,
Хаёл суриб келсанг мен томон,
Ишқ қуёши куйдирган чоғда
Бошларингга бўлсам соябон...

Қорёғди ҚЎЗИЕВ,
ўқитувчи, Қоракўл тумани

Xullas...

УЙ ХЎЖАЙИНИ — ЧЎЧҚАЛАР

Одамзотнинг феъли қизиқ, кўнглига келган ишни қилади. Ит боққан, каптарбозлик қилган, беданани айвонининг тепасига қафасда осиб қўйиб, сайрашидан завқланган ҳам одамзот-да.

Австралиянинг Мелбурн шаҳридан тахминан 50 км наридаги посёлкада яшовчи Маги Парк эса чўчқа боқишнинг ҳадисини олди. Аввалларида у чўчқани ҳовлисида боққан бўлса, энди жонворлар Магининг уйи ичкарисига ҳам бемалол кириб чиқишмоқда. Қўйиб берсангиз, ўринга ҳам кириб ётадигандек.

Чўчқалардан бири, 200 км.лик "гўзал" Люси бўлиб, Магининг рафиқаси билан жуда яхши "чиқишади". Чўчқалар учта. Ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини чиқарса ҳам, уй эгалари индашмайди. Айниқса, уйнинг ҳавоси бузилиб кетишига чидаб бўлмаяпти.

Чўчқалар ўйинига қачон нуқта қўйилишини худо билади. Қўшниларнинг фиғони ҳам фалакка ўрлади. Афсуски, судга мурожаат қилиш ҳам қўшниларнинг арз-додига якун ясамади. Маҳаллий суд чўчқаларга қарши ҳеч қандай қарор чиқара олмайди. Чунки қонунда чўчқа боққан фуқаролар ҳақида умуман гап йўқ.

Начора, қўшниларнинг жонига тўзим берсин. Эр-хотин эса шу тарзда яшашдан воз кечишмаса, бориб-бориб, чўчқалар бу хонадоннинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлиб олишига шак-шубҳа йўқ.

6 НАФАР ЭГИЗАК

Ақлли киши аллақачон бунинг фаҳмига етган бўлса керак. Гап уч ўғил, уч қизни туққан она ҳақида.

Камдан-кам учрайдиган бу ҳодиса АҚШнинг Канзас штатда истиқомат қилувчи бека Сондра Хеадриннинг ҳаётида содир бўлди. Хоним 33 ёшда, биринчи маротаба туғиши.

Шуниси қувончлики, эгизакларнинг ҳаммаси эсон-омон ёруғ оламга чиқди. Энг оғир вазндагиси 1 килою 700 грамм, энг енгили эса 1 килою 100 грамм. Янги меҳмонларнинг ўзини ҳис қилишлари чакки эмас.

Шифокорлар Сондра хонимнинг ёши улғайиб қолганини ва кўзи ёришида қаттиқ азият чекишини, бунинг устига чақалоқларнинг олтита эканлигини ҳисобга олишиб, эмбрионлар сонини камайтиришни маслаҳат беришган эди. Аммо бўлғуси она эгизакларни бир-биридан ва қолаверса, ўзидан ажратишга мутлақо рози бўлмади.

Эҳтимол, у тўғри қилгандир. Ахир она билан бола битта вужуд-да...

МАШИНА НОМИ ФАМИЛИЯ ЭМИШ...

Машина номини фамилияга айлантириб олиш, аслида ақлга сиғмайдиган ҳол. Лекин кўнглига нима келса, шуни қиладиган хонимлардан бири эри билан ажрашгандан сўнг, қизлик фамилиясига ўтиш ўрнига, ўз фамилиясини машинага ўзгартирди. Бир умрлик орзуси — Японияда ишлаб чиқарилган "Сибару импреза" автомобили энди унинг фамилияси ҳам, исми ҳам эмиш.

Ким билсин, хонимни янги исм-фамилия билан чақиришармикан? Ҳозирча у ўша машинани олиш орзусида ҳайдовчилик курсида ўқимоқда.

ana shunaqa gaplar

ЖАДИЙ

ТОҒ ЭЧКИСИ (Козерог)

22 декабрдан 20 январгача Унсури — Ер. Ҳомийлари — Зуҳал (Сатурн), Уран.

Айтишадики, Жадийлар тескари яшашади — қари бўлиб туғилиб, умр ўтган сари яшариб боришади. Болаликда улар кўпинча ўта жиддий, ўз ёшларига нисбатан катта кўринишади. Аммо улар болаликдаги соғлом ақлларини йиллар ўтган сари секин-аста йўқотиб боришади. Жадийни яқиндан билмаган, унинг зим-зиё маъюслик қобиғи ичида яширин бўлган юксак сифатларидан бехабар одам ундан тезда юз ўгириши мумкин. Бу билан у — Жадийнинг ўзини азоблашга мойиллигини янада оширади. Жадийлар одатда эҳтиросларини, ҳис-туйғуларини бўғишга интилишади. Бу эса, инсон танасида кристаллашувни кучайтиради ва соғлиққа салбий таъсир кўрсатади. Жадийлар анчайин бегоналашган кишилар, онгли ва онгсиз равишда ўзи ва бошқалар ўртасига тўсиқ қўйишади. Жадийнинг қалби тубида ҳар доим дахлсиз хилватхона бор, бу хилватхонага ҳатто энг севимли киши ҳам киритилмайди. Жадийларни улкан ишлаб чиқариш ва кўп киши ишлайдиган савдо корхоналаридаги ҳаёт ўзига тортади. Уларнинг бардошли, ҳисоб-китобли ва зукко феъллари шарофати билан бундай жойларда улар учун имконият кўп. Жадийлар феъл-атворининг энг ёрқин хусусиятларидан бири — улардаги қунт ва матонат. Ҳамма Жадийлар қайсидир даражада худбинроқ. Жадий ўзида унга яқин бўлган кишиларнинг севгисига нисбатан чуқур эҳтиёж ҳис қилади. Аммо ҳар доим уларни ўзидан узоқ тутади, оқибатда ўзининг севгисини изҳор қилишЖадийга қийин кечади. У узоқ умр кўриши мумкин. Чунки унинг табиати қаттиқчиликда яшашга кўпроқ мойил. Саломатлигининг энг яхши таянчларидан бири — унинг мутойибага мойиллиги. Умуман, Жадий — меҳнаткаш, эҳтиёткор, тежамкор, режали, узоқни ўйлаб иш юритади.

Ижобий фазилатлари: мақсадга интилувчан, эҳтиёткор, меҳнатсевар, масъулиятли, қийинчиликларни режали равишда енгиб ўтади, мунтазам, асосли.

Салбий хислатлари: мингир-мингир, чегаралланган, рашкчи, мутаассиб, ёлғизликка мойил, шубҳачи, ғамгин, буйруқбозликни яхши кўради.

Бурж вакиллари: Исо алайҳиссалом, Жанна д, Арк, Ньютон, Кеплер, Монтескье, Мольер, Жуковский, Грибоедов.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2002 йил 14, 21, 28 июнь, 12, 26 июль кунлари Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида соат 10-00 да кимошди савдолари ўтказади.

Савдоларга қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 1-уйда жойлашган "Карьертранс" ШХжнинг автотранспорт воситалари:

— 1984 й. ишлаб чиқарилган, 6492ТНБ, ЗИЛ 130—80 русумли, бошланғич нархи 1060600 сўм;

— 1989 й. ишлаб чиқарилган, 10АН923, ЗИЛ—431610 русумли, бошланғич нархи 1009570 сўм;

— 1982 й. ишлаб чиқарилган, 0732ЕФ, ОДАЗ—885 русумли, бошланғич нархи 416900 сўм.

2. Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали—3, Ахматова кўчаси, 20-уйда жойлашган "757-сонли Энергомонтаж поезди"нинг автотранспорт воситалари:

— 1989 й. ишлаб чиқарилган, 7364ТНБ, ГАЗ—2410 русумли, бошланғич нархи 758512 сўм;

— 1990 й. ишлаб чиқарилган, 4843ТНН, МАЗ—5529 русумли, бошланғич нархи 901840 сўм;

—. 1990 й. ишлаб чиқарилган, N10AS969, КрАЗ—225 русумли, бошланғич нархи 2245590 сўм;

— 1981 й. ишлаб чиқарилган, 0194ТНМ, КАВЗ—685 русумли, бошланғич нархи 1797473 сўм.

3. Тошкент шаҳрининг қуйидаги туманларида жойлашган якка тартибда уйжой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи:

Шайхонтоҳур тумани, Хуршид кўчасида 6 та, бошланғич нархи 853347 сўм; М.Улуғбек тумани, Иркутск кўчасида, сатҳи 0,02га, бошланғич нархи 1680000 сўм; А.Икромов тумани, Ўрикзор—II мавзеси, Ғазалхон ва Нурафшон кўчалари кесишувида 5 та, бошланғич нархи 672000 сўм; Яккасарой тумани, Х.Расулов кўчксида 4 та, бошланғич нархи 853347 сўм.

Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун олдин тўхтатилади.

4. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Морозов кўчаси, 15а-уйда жойлашган "4-сонли қурилиш трести" акциядорлик жамиятининг цех биноси, умумий майдони 90 кв.м., сауна биноси, умумий майдони 72 кв.м ва гараж биноси, умумий майдони 120 кв.м., бошланғич нархи 17 млн. сўм.

Савдоларда юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133—20—74, 133—46—13.

ГЕОГРАФИЯ СКАНВОРДИ



Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-430.
Тиражи 32835 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Камолиддин АЛИОХУНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00